



4

**КЎШЧИНОРГА  
АЙЛАНГАН ЖУФТЛИК**

**КИТОБНИНГ  
НАРХИ... 100 СЎМ?!**



11



12

**КИМГА БАЙРАМ,  
КИМГА...  
ёхуд Ҳайит — айём,  
дабдаба эмас**

**ДУНЁДАГИ ЭНГ  
ЯЛҚОВ ЖОНЗОТ**



15

**Оила**



Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

**Жамият**

39 (933) сон

17 — 23 сентябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz



*Кўк дарвоза, ортингда бир қиз кўрдим,  
Ғазнангдаги гавҳарингни хуш кўрдим,  
Остонангда олти мингта из кўрдим,  
Ойбекангни авайлагин, хушёр бўл!*

**“ОБУНА — 2010”**

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176  
Ташкилотларга — 177



**КЕЧА:**

→ Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантаналар хорижий сиёсий, ижтимоий, ишбилармон, эксперт-таҳлилий доираларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганини “Жаҳон” ахборот агентлиги мунтазам шарҳлаб бормоқда.

→ Олис Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича 133 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи бор жаҳон чемпиони деган кутлуг номга сазовор бўлган Аббос Атоев (75 кг.) шарафига мустақил Ўзбекистонимиз байроғи кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янгради.

**БУГУН:**

→ Пойтахтимиздаги “ЭкспоМарказ” да “InterMedPharm-2009” халқаро ихтисослашган тиббиёт кўرғазмаси давом этмоқда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзфармсааноат” давлат акциядорлик концерни, “TNT Productions Inc.” халқаро кўрғазма компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 14 та мамлакатдан қирқдан зиёд компания қатнашмоқда.

**ЭРТАГА:**

→ Испаниянинг Арбил шаҳрида Мисрда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига энг сўнги тайёргарлик машғулотларини ўтказётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Испаниянинг Арбил шаҳрида гондураслик тенгқурларини 1:0 ҳисоби енгиб, навбатдаги учрашувни 19 сентябрь куни Коста-рикаликлар билан ўтказишади.

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**

Хотин-қизлар ҳуқуқи камситилса, қандай чора кўрилади?	2
Қариндошдан қиз олган аёлнинг пушаймони	3
Қиммат совға ёргаю, онага эса...	4
Бобурмирзо... панжара ортида	5
Теледастурлар	8-10
«Бир ухлаб» она бўлиш мумкинми?	13
Эр-хотин ажрашди: жабрини ким тортади?	14
Ойнинг ўн беши ёруғ	15
Ҳеч қачон «менинг онам ёмон» деманг!	16

**Үн саккиз йил** — мозий саҳнасида бир киприк қоққанчилик лаҳзага тенг. Лекин бизнинг халқимиз учун, Ватанимиз учун эса бу мударат асрларга тенг десак, муболага бўлмайди. Бугун юртимизнинг ис-талган бурчагига бориб, кексаю ёш (албатта ўн саккиз ёшдан ўтганлари)дан "кўп эмас, бундан ўн йилгана аввал шу жойлар қандай эди?" деб сўраб кўринг-чи: ҳажжон билан ўз қишлоқ-овулини шундай тасвирлайдики, ишонгингиз келмайди.

Оддий мисол, Қорақалпоғистон Республикасидаги Эллиққалъа ту-

## Ўзбекистон — Ватаним маним

40-мактабларнинг эски биноларида, 4-сон ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг эса бир қисмида 50 ўринли мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш ишлари жадал олиб борилаёпти.

Шу ўринда Эллиққалъадаги "Орол болалари" оромгоҳи фаолияти хусусида ҳам тўхталмоқ жоиздир. Истиқлолимиз билан тенгдош бўлган бу масканда ёзги мавсум маҳали ҳар йили мингга яқин ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаришади.

тиқлол даврида Эллиққалъада ташкил этилган Археология, Отажон Худойшукуров, Муҳаммад Юсуф ва яқиндагина 11-мактабда очилган Ибройим Юсупов номларидаги ҳамда спортчиларнинг «Шон-шухрат» музейлари ҳам кўпчиликнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаётир.


Дарвоқе, Эллиққалъанинг ҳар қадамида мозийдан содалор бергучи ўнлаб қалъалар ўтмиш билан бугун ўртасида кўприк вазифасини

# ИСТИҚЛОЛ ҚАЛЪАЛАРИ

манида истиқлол йилларида рўй берган тарихий ўзгаришларнинг ўзи бир неча китобларга сиймайди. Бунёдкорлик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш каби ўнлаб соҳаларда амалга оширилган ислохотларнинг самараларидан эл-улус шод бўлаётир.

— Туманимиз ҳудудидаги 71 та умумтаълим, битта Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 5 та мактабдан, 18 та мактабгача таълим муассасаларида тахсил кўраётган ва тарбияланаётган ўқувчи-ўсмирлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди туман халқ таъли-

ми бўлими мудири **Нурмаат МАШАРИПОВ**. — Шу билан бирга жорий йилда 12 та мактабда капитал реконструкция, 6 тасида капитал таъмирлаш, биттасида эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида яқунланди. 41-ҳамда 56-мактабларда янги ўқув йилини бошлаган фарзандларимизнинг қувончи чексиз. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дея эълон қилинган ушбу йилда "Аширтом" аҳоли пунктида 200 ўринли янги мактаб қурилатган бўлса, "Гулдурсун", "Дўстлик" ҳамда "Қирққиз" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги 41, 27,



— Ўз номига муносиб бўлган «Орол болалари» ёшларнинг энг сеvimли дам олиш оромгоҳига айланиб қолган, — дейди **мазкур маскан директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Қурбонназар ҚАЛАНДАРОВ**. — Президентимиз томонидан биз — қорақалпоғистонликларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликни ҳар қадамда сезиб турибмиз. Ва ўз навбатида биз ҳам ана шу рағбатга жавобан энг аввало эртанги кун эгалари бўлган фарзандларимизга ҳам маънан, ҳам жисман баркамол бўлиб вояга етишлари учун яқиндан кўмак бераёлмиз.

Яна бир қувончи жиҳати, ис-

ўтаётганига гувоҳ бўласиз. Гулдурсунқалъа, Аёзқалъа мажмуи, Қўрғошин қалъа, катта ва кичик Қирққизқалъа, Тупроққалъа, Тешикқалъа... Улар жуда кўп. Маҳаллий аҳоли учун оддий ҳолдай туюлган бу қалъалар қаърида ётган ўтмиш сирлари ҳали тўла ўрганилгани йўқ. Улар ўз тадқиқотчиларини кутаёпти.

Биз эса эрамиздан аввалги ва кейинги асрлардан ёдгорлик бўлиб қолган бу тарихий қалъалар ҳақида бежиз гап очмадик. Негаки, бизнинг авлод-аждодаларимиз оддий тупроқ ё гилдан тиклаган бу ноҳир бойликлар шунча асрларки ўз қиёфаси ва қадр-қиматини йўқотмаган экан, демак, мустақиллик йилларида ўз она тупроғимизда бунёд этилаётган **ИСТИҚЛОЛ ҚАЛЪАЛАРИ** ҳам мангу яшашига ишонамиз. Бундай мустаҳкам ва қудратли қалъалар нафақат Қорақалпоғистоннинг чекка бир ҳудуди Эллиққалъа ёки Хўжайли, Амударё ёки Беруний ва яна ўнлаб туман-овулларда эмас, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётди. Хали насиб этса, бизнинг фарзандларимиз Эллиққалъаларни юз ёки минг қалъаларга, миллион қалъаларга айлантиришига ҳеч шубҳамиз йўқ.

**Авазжон БЕКМУРТОВА**, "Оила ва жамият" мухбири, Қорақалпоғистон Республикаси.

## АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

→ Хотин-қизларнинг бу йилги сайловлардаги фаол иштироки эътибордан четда қолмайди.

→ Оиладаги зўравонлик ҳақида нималарни биламиз?

→ Жойларда очилган иш ўринлари... факат қозғоғда қолиб кетмасин.

→ Мазкур ҳужжат оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни таъминлайди.

→ Конвенцияда қишлоқ жойларида яшовчи аёллар дуч келадиган муаммоларга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон хотин қизлар кўмитаси БМТ тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда CEDAW Кўмитаси-

нинг тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасининг бажарилиш яқунлари» мавзусида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши мажлислар залида ўтказилган давра суҳбатида ҳам юқорида келтирилган ўтилган долзарб ва жиддий мавзулар муҳокама қилинди. Тадбирга тақлиф этилган турли вазирликлар вакиллари, мутасадди давлат тузилмаларининг масъул ходимлари, республикада фаолият юритаётган жамоат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари Миллий ҳаракатлар режасининг бажарилиши, унда кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилишида эришилган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилишди.

→ Аёлнинг ҳуқуқий саводхонлиги, интеллектуал салоҳияти юқори даражада бўлсагина жамият фаро-

### ДАВРА СУҲБАТИ

вон, оилалар мустаҳкам, фарзандлар қамол инсон бўлиб вояга етишади, — дейди давра суҳбатини кириш сўзи билан очган **БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Киоко Постил**. — Шунинг учун ҳам аёллар ҳуқуқларини пайлом қўлайдиган ҳар қандай зўравонликка чек қўйиш мақсадида 1979 йил БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари кимситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган. 1995 йилда Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияни ратификация қилди ва CEDAW кўмитасига тўртта даврий маърузани тақдим этди.

Тадбир иштирокчилари CEDAW Кўмитаси Тавсияларини амалга ошириш бўйича «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари ва истиқболлари», «Халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунийликни уйғунлаштириш масалалари», «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни», «Миллий ҳаракатлар режасини бажаришда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг ўрни» мавзуларида маърузалари билан иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон хотин қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова олиб борди.

**Барно СУЛТОНОВА**, "Оила ва жамият" мухбири.



## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

### СЎЗГА БАФИШЛАНГАН АНЖУМАН

Сурхондарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Термиз давлат университети, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган анжуман мавзуси «Сўз ичра мудом ақл яширин, Сўз чимилдигу ақл келин» деб номланди. Ушбу тадбирни уюштиришдан қўзланган асосий мақсад — тил, унинг тилсими бўлган сўзнинг ақл ва тафаккур билан ўзвийлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби, профессор Шафоат Раҳматуллаевнинг «Заифа деб атар ким, ожиза деб ким айтар?», вилоят Скрининг маркази шифокори Дилором Шарофидинованинг «Экология: Соғлом она ва соғлом авлод муаммоси», вилоят «Тадбиркор аёллар» уюшмаси раиси Салтанат Юсупованинг «Тадбиркорлик ва аёллар», Термиз шаҳридаги «Сурхон соҳили» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Умида Норбоеванинг «Яшайлик биз ўзбек бўлиб, бир узукка кўздек бўлиб» деб номланган маърузаларини тингладилар.

Шунингдек, анжуманда сўз ва соз сеҳри, аёл маънавияти билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам савол-жавоблар бўлиб, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Қобилова қатнашди.

**Шавкат СУЛТОНОВ**, "Оила ва жамият" мухбири, Сурхондарё вилояти.

### СОҒЛИК ЭНГ КАТТА ДАВЛАТДИР

Бу оддий ҳақиқатни ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳар куни бир-биримиз билан сўрашсак ҳам, дуога қўл очсак ҳам биринчи сўрайдиганимиз тани-сикатликка боғлиқ савол-жавобдир. Бу бежиз эмас. Чунки бу дунёда соғлиқдан улугроқ бойлик йўқ. Лекин...

Афсуски, гоҳида турли хил ҳаёт ташвишлари билан бўлиб ўз саломатлигини ҳақида қайғурмаймиз. Қачонки, танамизда жиддийроқ оғрик ё ўзгариш сезсак, кейингина шифокорларга мурожаат қиламиз. Аслида ҳар қандай хасталикка чалинмасликнинг энг осон йўли — соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этишдир. Қолаверса, ҳар бир оила аъзоси эч бўлмаса йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтиб турса, олам-гулистон.

Айниқса, мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича махсус дастурларнинг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг изчил давом этаётганлигини исботлайди. Шу боис яқинда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жағғармаси, ФХДБ бўлими ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирда айнан биз юқорида алоҳида таъкидлаётган муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида аҳолига кенг тушунтириш берилди.

Иштирокчилар туман ҳудудидаги "Чанок", "Пушкин", "Дўстлик", "Зафар" қишлоқ фуқаролар йиғинларида баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар билан танидилар.

**Турдикул НОРМАТОВ**, "Оила ва жамият" мухбири.

**Пойтахтимизнинг миллий бог ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносид**

**"ҚўЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН..."**

деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудлараро кўргазма-савдога марҳамат!

Муҳтарам юртдошлар, муъжизакор қўллар яратган гузалликлардан баҳраманд бўлинг!

Тел.: 244-03-80, 239-40-42.

Ўшбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот ағениликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.



— Кетаман, опа, — келинчак кўз ёшларини даструмоли билан артиб, Назирахонга мўлтираб қаради. — Бу уйда бир дақиқа ҳам турулмайман.

Дераздан «гир» этиб шамол кирди-ю, стол устидаги қоғозларни учириб ерга туширди. Назирахон келинчакнинг гапларини яна ҳаёлидан ўтказди: «Қайнонам ҳали термос, ҳали гулдон, дамол деб уйимга тап тортмай кириб келаверади. «Ўзимга айтинг, олиб чиқиб бераман» деса парвойига олмайдди, мени менсимайди. Нима, мен ердан чиққанманми?» — дея зор йиғларди келинчак.

— Хўп, гапингиз тўғри, синглим, — вазмин оҳангда сўз бош-

олиб чиқмайди. Чунки, орийат, оила шаъни ҳар недан улуг. Бу борада маслаҳатчи лавозимининг таъсис этилгани айна муддао бўлди. Бойси, маслаҳатчи ҳар бир хонадонга кира олади, муаммолар, келишмовчиликлар бўлса оилаларга ёрдам беради, тўғри йўлга сола билади. Энг муҳими, маслаҳатчи маҳалланинг виждони бўлиши керак. Бунинг учун маҳалла, оила ва аёл муаммоларини ҳал этишда маслаҳатчиларга ишонил ва суяниши лозим.

Шу сабабли Андижонда ҳам маҳалла маслаҳатчиларининг диний ва дунёвий билимини юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган иж-

қариялар, нотинч рўзгорлар, тарбияси оғир ўсмирларнинг ҳар бири билан яқиндан танишиб, суҳбатлашиб, ён дафтарчасига қайд этиб чиқди.

Кўп ўтмай ана шу маълумотлари асосида тегишли тadbирларни ишлаб чиқиб, амалга ошира бошлагач, одамларнинг опага ишончи ортиб, уни излаб келадиган бўлишди ва муаммолари ҳал бўла бошлагач, маслаҳатчи танлашда адашмаганликларини англашди. Улар бемалол Баҳринисо опага суянадиган бўлиб қолдилар. Муҳими, маҳаллада жанжаллар, оилавий ажримларнинг олди олиниб, вояга етмаганлар билан мунтазам тарбиявий ишлар ўтказилганли-

чеварга 15та ёш шоғирд бириктирилди. 59 та ишчи ўрни ташкил этдик. Улардан 48 тасида аёллар меҳнат қилишади. Tadbиркор Зухраҳон Орзиқуллова тикувчилик цехи оҳиб, 25 нафар қизни иш билан таъминлади.

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

Тожибар Йўлдошева эса Хўжабод тумани Кўтарма маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси. Асли касби педагог. 2007 йили унинг фаолияти вилоят маслаҳатчилари орасида ўрганиб чиқилиб, ибратта молик ишлари тарғиб қилинди. Опа маслаҳатчиларнинг туман, вилоят кўрик танловларида астойдил қатнаш-

— Маҳалла остонасига умид билан қадам босиб келган ҳар бир аёл ўрнига ўзини қўйиб кўраман, — дейди Кароматхон. — Баъзида енгилроқ оёқ кийим кияман-да, худудни айланиб чиқиб, эртанги кун қилишим керак бўлган ишларга аниқлик киритаман.

...Назирахон келинчакка берган ваъдасини унутмаган экан. Ўша хонадонга борди. Бир соатча қолиб кетди. Нима гап бўлгани ўзига, қайнона ва келинчаккагина аён. Фақат мезбонлар дарвоза олдида уни хушқайфият билан «минг раҳмат сизга, умрингиздан барака топинг!» дея

# ЯХШИЛИК ЭЛЧИЛАРИ

лади опа. — Билиман, ўртада «парда бўлсин», дейсиз-да. Лекин қайнонангизни ҳам тушунинг, ахир, ўз боласининг уйи. «Ўзимниқидан сўраб ўтираманми?» — дейди-да. Ҳали кечга томон ўзим уйларингизга ўтиб, қайнонангиз билан ҳам гаплашаман. Келишдикми?

Келинчакнинг чехраси бироз очилди. Ўрнидан турди. Назирахон ортидан қараб, кулиб қўйди: «Қани кетиб кўринг-чи! «Кетаман», эмиш?»

Маҳалладаги 1500 га яқин хотин-қиздан қўйиб берсангиз, ҳар куни бир ярим мингга муаммо чиқади. Яхшиямки, маҳалла фаоллари бор. Бир иш бошлашса, ўзаро кенгашиб олишади...

Яхши биламизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилган эди. Бугунги кунда Андижон вилоятининг 831 та маҳалласида шу йўналиш бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб боришмоқда. Бу вазифага ҳалқ орасида ҳурмат топган, одамлар билан ишлай оладиган, энг муҳими, ўз маҳалласида ибратли оила бекаси бўлган муносиб, илгор аёлларимиз меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ишини мувофиқлаштириб бориш учун барча туман ва шаҳарларда бош маслаҳатчилар тайинланган.

— Биз миллий анъана, удумларга хос бўлган миллатимиз, — дейди **вилоят хотин-қизлар кўмитаси бош маслаҳатчиси Маҳбубахон опа Музаффаровна**. — Ҳар қандай киши, айнақса, аёл уйдаги муаммоларни, келишмовчиликларни кўчага

тимоий-иқтисодий ислохотлар билан яқиндан таништириб бориш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда мунтазам равишда ўқув семинарлари ўтказилмоқда.



...Масалан, Андижон туманининг Ҳакан қишлоғидаги маҳаллага маслаҳатчи тайинлаш лозим бўлди-ю, ҳамманинг гапи бир ердан чиқди. Бу вазифага юракда ўти бор, гапи-ю, иши бутун Баҳринисо опа лойиқ деб топилди. Опа ишни нимадан бошлаш тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмади. Чунки худуд ва унинг одамлари ҳақида унинг ўз қарашлари бор. Шундай бўлса ҳам фаолларни олиб, 3875 аҳолидан иборат Чам маҳалласидаги 680 та хонадоннинг ҳар бирига кириб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганишга ҳаркат қилди. Натихада кам таъминланган, ёрдамга эhtiёжи бор, лекин бундан ийманиб, маҳаллага мурожаат қилмай юрган оилалар, парваришга муҳтож яқка-ёлғиз

ги сабаб, нохуш ҳолатлар бўлишга чек қўйилди.

Бугунги кунда бандлик масаласи ҳам жиддий муаммолардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ишсизликни камайтириш

ди. Вилоят танловда ғолиб бўлган Тожибар Йўлдошева республикада ҳам 1-ўринни эгаллади. Энг қувончлиси, Юртбошимиз Фармонига биноан бу фидойи аёл «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

— Хизмат вазифангизни оддийгина қилиб, маслаҳатчи деб аташди. Айтинг-чи маслаҳат бериш осонми? — сўрайман Тожибар опадан.

— Беш йиллик фаолиятим даврида минг бир хил муаммолар ҳолатларга дуч келганман, — дейди у. — Албатта, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, кимгадир тўғри йўл кўрсатиш учун инсон бунга ўзи тайёр бўлиши керак. Ҳам оилада, ҳам бекалиқда, оналикда, қолаверса, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Мен бундай ҳолатларда кўпроқ кексаларимиз тажрибасига суянаман. Уларнинг кўмаги билан сал нарига

кузатиб қолишди...

Ҳа, вилоятда 831 та маҳалла бор, дедик. Демак, шунча маслаҳатчи ҳам. Маҳаллада, оилада, бординг-ки, ҳар бир инсоннинг ҳаётида маслаҳатчи роли ниҳоятда катта. У ўзига билдирилган ишончни оқлаб, жон койитиб, ҳалол ва холис ишласа, фарзандлар тарбияли, аёллар тadbиркор, оқила, эркаклар эса орийатли, топармон, қўйинг-ки, оилалар фаровон ва мустаҳкам бўлади. Шундай эмасми?

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, «Оила ва жамият» мухбири, Андижон вилояти.**



**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатган. Андижон вилоятининг Олтинқул туман газетасида ишлаган. 2005 йилдан бери вилоят хотин-қизларининг «Иқбол» газетасида фаолият юритмоқда. Журналистлар ўртасида ўтказилган турли кўрик-танловларда совриндор бўлган. «Уш тоғидаги қорлар» ҳикоялар тўплами чоп этилган. Республика матбуотида ўзининг қатор маънавий-маърифий мавзуларда ёзган публицистик чикйишлари билан фаол қатнашиб келаётган иқтидорли ижодкор яқинда газетамизнинг Андижон вилоятидаси ўз мухбири сифатида иш бошлади.**

«Нима бўлти, ўз синглимининг қизини келин қилсам, уришас ҳам, сўкишас ҳам ўзимники. Бегонани эл қилгунча сочим оқаради, ана, қанчаси тулпа-тузук яшаб юрибди. Ҳеч бало урмайди. Эртагаёқ жиянимга никоҳ узуги олиб бераман»...

Бир ярим йил аввал шу гапларни айтган аёлни яқинда шифокор қабулида ўтирганини кўрдим. Ёнида келини чақалоғини кучоқлаб олган. Мени кўриб, бирдан ўрнидан турди-да, секин гап бошлади: «Ушанда қанча одам маслаҳат берди. Қулоқ солимадди, синглим. Айнақса, бир шифокор қариндошимиз жуда қаттиқ уришиб берганди. Мен эса оёқ тираб олиб тўйини ўтказдим. Мана, энди чақалоқ туғилганидан бери дўхтирма-дўхтир юрибмиз. Ҳамма айб менда, нима қилай?» Мен ҳам бу аёлга қандай маслаҳат бе-

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН... ҚУДА БЎЛИБ, ЖУДО БУЛМАНГ

ришни билмадим. Чунки бир ярим йил аввал у ҳеч кимга қулоқ солмаган эди. Энди эса... ўзининг ўзошимчалик билан қилган хатоси туфайли ногирон бўлиб туғилган норасида гўдакни кўтариб, овораи сарсон юрганига яраша қанийди у тузалиб кетса?

Ушбу воқеани кўйиниб айтиб берган онахоннинг гаплари кўпчилигимизни огоҳликка чорлайди, десак, муболоға бўлмайди. Ҳаммамизга беш қўлдай аёнки, муқаддас динимизда ҳам, замонавий тиббиётда ҳам яқин қариндошларнинг турмуш қуриши қатъиян ман этилган. Лекин атрофимизда содир бўлаётган турли аянчли ҳолатларни кўриб-билиб туриб ҳам тўғри ҳулоса

чиқармаётганларнинг учраётгани афсуски таъшишлидир. Бу эса барчамизни, айнақса, ота-оналар, маҳалла-қўйдаги фаоллар, тиббиётчилар ҳамда диний уламоларни ҳам жиддий ўйлантириши керак. Айнақса, ФХДЭ бўлимларига расмий никоҳдан ўтиш учун ариза бериш ниятида келаётган келин-кўвларни тиббий кўрикдан ўтказиш махсус қарор асосида белгилаб қўйилгани айна муддао бўлди. Ана шу кўрик маҳали албатта икки ёшнинг саломатлиги энг асосий ўрин тўтиши билан бирга уларнинг қариндош-уруғ эканлигига ҳам жиддий эътибор қаратилиши керак бўлади.

Кейинги пайтларда аҳолида, айнақса хотин-қизлар ва маҳалла фаоллари ора-

сида ўтказилаётган юзма-юз мулоқот, учрашувларда мутахассислар, қолаверса, шифокорлар ҳам қариндошлар ўртасида қурилаётган оилаларда содир бўлаётган нохуш ҳолатлар ҳақида жонли мисол ва воқеаларни келтираётгани кўпчиликни огоҳликка ундапти. Чунки энди одамлар уғил уйлантирадими ёки қиз қарарадими, барибир халқона ибора билан айтганда, «етти ўлчаб бир кесиши» шарт. Бўлмаса, юқорида келтирилган кўнгилсиз воқеа қарамони — ўзошимча аёлга ўшаб минг пушаймон чекиб ўтиришдан фойда йўқ.

**Малика БОБОЖОНОВА, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ФХДЭ бўлими ходими.**

Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой "Барча бахтли оилалар бир-бирига ўхшайди" деганида минг бора ҳақ эди. Ташқаридан қараганда роstdан ҳам шундай. Лекин "кексайганда фарзандлар ардоғида бўлиш, яқинлар меҳрини қозониш, уларнинг ҳурмат-эътиборига эришиш осонми?" деган саволга кўпчилигимиз жавоб беришни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Аммо пойтахтимиздаги Юнусобод тумани Бодомзор маҳалласида умргузaronлик қилаётган Ҳафиз ота ва Инобат аяларнинг салкам 60 йиллик ҳаёт йўлларига назар солсангиз, оила деб

гунига қадар бир замонлар «куш ўчса қаноти куйган», бугунги кунда эса чинакам бўстонга айланган Сирдарё заминиде унутилмас ном қолдирди. Ҳамма Ҳафиз муаллимни ҳамон соғинади.

**Азиз газетхон! Энди сизга бир сирни очайлик. Тўғри, 90 ёшни қоралаб қолган бу дуоғўй инсоннинг шу қадар обрў ва мартабага эга бўлмоғи, аввало, Яраттанинг у кишига ато этган инъоми десак арзийди. Лекин Ҳафиз ота бугун тинмай «мендан ҳам кўпроқ аянғиз ҳақида ёзинг» деганича бор экан. Ана энди салкам олтмиш йилдан**

**ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ**

сонни кўпайиб кетган экан. Уларнинг қай биридан «нега ўқитувчи бўлмақчисиз?» деб сўрашса, улар ҳеч иккиланмай, «Инобат опадай муаллима бўлиб, обрў топмоқчиман» дейишаркан...

Дарвоқе, Инобат ая ҳам «энди нафақага чиқдим, дам оламан», деб уйда ўтирмади. Туман ҳокимлиги ҳузурдаги "Ярашув, маслаҳат" кенгаши аъзоси сифатида қанчалаб оилаларга ёрдам берди. Унинг бир оғиз насиҳати тўғрисида ҳатто юз кўрмаслик даражасига етган

**КЎЗГУ**

**ЭНГ АРЗОН СОВБА КИМГА?**



Кўпдан бери келин тушириш ниятидан. Орзуларим қанот бойлаган. Энг сара кийим-кечакларни сарпога жойладим. Дам олиш кунини бўлажак келиннинг қолган кам-кўстини тўлдириш учун бозорга тушдим. Бозорларнинг ободлигини қаранг, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор-а. Кўзим яна энг сара нарсаларда. Менинг келиним фақат асл нарсалар кийсин, дейман-да. Анча-мунча кийим харид қилиб, ўйлаб қарасам, иссиққина бир нимча ҳам керак экан. Ангор нимчалари сотиладиган راستага ўтдим. Мендан олдинроқ бир эрхотин сотувчини саволга тутиб турган экан.

— Энг яхши ва арзон нимчангизни кўрсатинг, — сўради аёл сотувчидан.

— Мана, мана, — сотувчи қўлидаги мато ўлчагич билан бир-икки нимчаларга ишора қилди, — Ўзи кимга оласиз, ёшгами, қаригами? Шунга қараб ранги билан кўрсатаман. Аммо сифатига кафолат беролмайман. Ундан кўра бир — икки сўмининг юзига бормай, тузукроғидан олаверинг. Арзоннинг шўрваси татимас.

— Бизга арзони ҳам бўлаверади. Анувсини олиб қўяқолайлик. Ҳар ҳолда «ҳеч нарса олиб келмабди» демайди. «Қимматга олдик» деймиз-да, — уқтирарди аёл эрига.

— Олсанг ол, — иккита лиқ тўла катта сумкани зўрга кўтариб олган эр аёлини кўстади.

— Терадагисини олинг-чи? — ранги беўхшовгина нимчага ишора қилди у.

Сотувчи хотин ҳайратини аширолмади:

— Ўзи кимга олмақчисиз?

— Қайнонамга!

Беихтиёр сотувчи аёл билан нигоҳларимиз тўқнашди. Иккаламининг ҳам кўнглимиздан бир хил гап кечганди. «Шўрлик она!» Айниқса, менинг бошимдан бир челақ қайноқ сув қуйилгандек бўлди. Нега йиллардан бери йўқан терганимизни жамлаб, келин учун бир дунё сарполар олдим. Яна саралаб-саралаб, танлаб-танлаб. «Бир кун келиб менинг келиним ҳам...» Миямга келган бу фикрдан ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Худо асрасин, аста-фируллоҳ!

Сотувчи ҳам ўзини тутиб туролмади. Йигитга юзланиб:

— Ўғлим, оналарга бундай нарса олиб борилмайди. Хурсанд бўлиш ўрнига кўнгли ўқсийди. Тўғри, сизларга «рахмат болам, барака топ» деб қўйиши мумкин. Лекин дили оғрийди. Агар пулни ўзингиз топган бўлсангиз, онангизни озгина яхши кўрсангиз, у кишини тузукроқ нарса билан қувонтиринг. Қанчадан буюн савдодаман. Лекин «онанга, энг арзон нарса борми?» деб сўраган харидорни биринчи кўришим. Бу гапингиз менга қаттиқ таъсир қилди, чунки мен ҳам онаман, қайнонаман...

— Кетдик, шундан бошқа жойдаям нарса бордир? — аёл эрининг тирсагига туртди. Эр сумкаларини кўтариб унга эргашмоқчи бўлди.

— Тўхтанг, — сотувчи шундай деди-да, юқорига осиб қўйилган рўмоллар ичидан энг чиройлисини илиб олди ва чаққонлик билан ўраб, йигитга узатди: «Онангизга беринг...»

Йигит индамайгина рўмолни олди-да, сумкасининг четига қистирди, аёли ортидан жўнади.

— Пул аёлда экан-да, шўрлик йигит, — деди унинг орқасидан ачиниб қараб қолган сотувчи аёл ҳам.

— Нафақат пул, сингилжон, ихтиёрини ҳам, йигитлик гурурини ҳам бериб қўйибди чоғи, — дедим ўзимга келолмай. Мендаги бор иштиёқ сўниб бўлганди. Болаларга уйнинг тўрини, топган-тутганингни беришдан олдин меҳру-муҳаббат, орият, гурур, ота-онани ҳурмат қилиш каби улуг фазилатларни ҳам бериш керак экан...

**Баҳор ХОЛБЕКОВА,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**

**ҚЎШЧИНОРГА АЙЛАНГАН ЖУФТЛИК**

аталмиш мустаҳкам кўрғоннинг, турмуш қувончу ташвишларининг асл сийратини кўргандай бўласиз ва бу ҳаёт «уйи»нинг ҳар бир «ғишти» ортида нақадар машаққатли меҳнат, юксак муҳаббат, қадр ва ҳалоллик ётганини англайсиз.

...1922 йил. Куйи Чирчиқ туманидаги оддий оилада туғилган Ҳафиз аканинг болалиги осон кечмади. Очлик, хўрлик, ўша даврдаги турли даҳшатли воқеалар унинг тақдирини ҳам четлаб ўтмади... Шундай бўлса-да, чин дилдан ўқишга интилди. Тинмай изланди. Ўқитувчи бўлди.

...1940 йили 18 ёшли Ҳафиз муаллим ҳарбий хизматга кетди. Ҳафиз Нишонбоевнинг уруш давридаги ҳаёти лоф эмас, ўн томлик китобларга сизгамади. Ҳатто кўплаб инсонлар ўша машҳур талотумни тугатиб, эсон-омон уйларига қайтганида ҳам Ҳафиз аканинг чекига яна уч йил киргизбарот тўғрисида вайрон бўлган жойларни тиклашда қатнашиш тушди. Ва ниҳоят, у 1948 йилнинг октябрь ойида она юртига қайтиб келганида бутун қишлоқ шу кунни байрам қилди...

...Бир йилдан сўнг Ҳафиз Нишонбоевни Сирдарё чўлларига «сафарбар» қилишди. Чидади, сабр қилди. Матонатли инсон эмасми, 28 йил давомида бир мактабда ўқитувчи — директор бўлди. Сўнг Сирдарё тумани халқ маорифи бўлимида мудир ва яна бошқа вазифаларда ҳалол ишлади.

Пенсияга чиққан фарзандлари, ёрбодорларига «энди маза қилиб кексалик гапшини суринг, дам олинг, шунча ишладингиз, етади», дея маслаҳат беришди. Қайнда, эл-улус орасида юрган одам уйда ётолмас экан. Аввал Сирдарё туман ветеранлар кенгашини, кейин эса «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимини бошқарди.

Энг оғир кунларни, айниқса, «иккинчи жаҳон уруши» дея ном олган жаҳаннам балосини кўриб келган Ҳафиз Нишонбоев то пойтахтга қайтиб кел-

бери Ҳафиз ота Нишонбоевга суянч бўлиб келаётган Инобат аямизнинг «Умр дафтари»даги айрим саҳифаларни ўқийлик-чи:

...1949 йил. Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтида янги ўқув йилининг биринчи кунини Каттагина аудиторияга кирган ўқитувчи еврогурӯх болалари ўртасида ўтирган, эгнида атлас қўйлақ, узун сочи майдалаб ўрилган, чиройли дўппи кийган қизга кўзи тушиб, аввал хайрон бўлди. Сўнг русчалаб «қизим, сиз адашиб бу хонага кириб қолган кўринасиз» деган эди, қиз ҳам бўш келмади: «Йўқ, мен адашмаганман», дея соф русча талаффузда бийронгина жавоб берди... Бу қиз — Инобат опа Нишонбоева бўлиб, бугун 78 ёшини қаршлаб турибди.

Ая 35 йил давомида рус тили ва адабиётдан ўқувчиларга дарс берди. Бу фидойи муаллиманинг сабогини олган кечаги болалар бугун Пушкин, Толстой, Достоевскийларни нафақат билишди, балки бу адиблар асарлари юзасидан гап очилса борми, ҳар қандай билимдон билан ҳам бемалол баҳс-лаша олади.

Яна бир ибратли воқеа. Ўша йиллари опа яшаган Сирдарё туманида ўқитувчиликка ҳавасманд қизлар

оилалар, қариндошу қўшниллар ҳам ярашиб кетгани ҳақида ҳалиям сирдарёликлар бот-бот эслашади...

Бу оилга ҳаммамнинг ҳаваси келади. Биров «келину набиралари ҳам хушмуомала, одобли» деса, яна кимдир «чол-кампирнинг тўрт фарзанди ҳам ниҳоятда меҳрибон, оқибатли» дейди. Дунё кўрган, зиёлироқ киши эса «ҳа, Нишонбоевлар сулоласининг ёниб турган чироқлари Ҳафиз ота ва Инобат ая бўлганлиги боис ҳам улар эл орасида шунчалик улкан обрў-эътиборга лойиқдир» деганида минг бора ҳақдир. Ёхуд Нишонбоевларнинг энг кенжаси Ботиржон айтганидек, «Ота-оналар ўз фарзандлари олдидаги бурчинини ҳар доим шараф билан адо этадилар. Лекин бизлар-чи? Бу табарруқ зотлар олдидаги қарзимизни уза оламизми, йўқми, буни вақт кўрсатади!

Дарвоқе, Шайх Саъдий Шерозий лутф этганларидек:

**Ҳар на қилсанг ота - онанга, яхшилик,**

**Қайтар болангдан Яхшиликка яхшилик!..**

**Анвар АБДУВАЛИЕВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

**МУҲАББАТНИНГ ВАТАНИ**

Бугун олам кўзингга ўзгача кўриняпти. Гўё борлик нурга йўғрилган-у, сен ҳам унга сингиб кетгандексан. Кўзгуга термулиб, ўзингни танимадинг. Қорачиқларингда ҳам шу нур жилва қилаётгандек, жисму-жонинг шу нурдан қувват олаётгандек. Қўкка боқдинг. Осмон бунча тиниқ, осмон бунча зангори. Булутларга қўл етгудек. Шамол дарахт баргларига ажиб бир мусиқа "чадиряпти". Гуллардан тара-

лаётган ифор сархуш дилингни тизгинсиз ҳиссиётлар тўққинига отаётгандек. Гуллар устидаги ҳар бир шудрингда аксингни кўрасан. Дилингдаги тўғёнларни баралла ҳайқириб айтгинг келади: **«Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демакки жон бўлмасун.»** Атрофга энтикиб боқасан. Ажабланган нигоҳларни сезмайсан. Оромингни ўғирлаган нима

**КЎНГИЛ МУЛКИ**

ўзи? Уни излайсан. Йўқ, у кўзга кўринмас, қўлда тугтилмас. Унинг ўлчови йўқ, ранги йўқ. Лекин Ватани бор. Ватани юрак! Юрак — ойинаи равшан. У муҳаббат маскани. У муҳаббатга муштоқ. У сенинг ҳақиқатинг.

Ва бу ҳақиқат шундай ёзилган: **МУҲАББАТ+НОРАК+ВАТАН!**

**Насиба АБДУЛЛАЕВА**

# НОМИМИЗГА НОМУНОСИБ БЎЛМАЙЛИК

**БОБУРМИРЗО...  
ПАНЖАРА ОРТИДА**

Бувим айтгучи эди: «Исм — инсоннинг зийнати, ҳар бир мўтабар номнинг эса ўзига яраша оғирлиги бўлади» деб. То шу вақтгача бувимнинг бу сўзларининг маъини чақишга уринмаганман ҳам. Исм чиройли ва жарангдор бўлса бўлгани деган фикрда эдим. Бироқ бир воқеа сабаб бу ҳақда батафсил мулоҳаза юритишга мажбур бўлдим.

Хизмат юзасидан суд жараёнида қатнашдим. Суд ҳукми ўқилди. Зал узра шундай сўзлар янгради: «...ев Бобурмирзо ...ич Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг ...-моддаси, ...-қисми, ... бандига асосан ... мuddатга озодликдан махрум этилсин».

Ўғлининг ноқобил чиққанидан ўқиниб ўтирган она шунча йиллик қамоқ жазосини эшитиб, хушидан кетди. Отанинг қон босими ошгани, бошини чангаллаб ўтирган жойидан қимирламайди.

Судья эса ҳукмнинг давомини ўқийди: «...ев Шоҳжаҳон ...вич ... йил мuddатга, ... ев Улугбек ...вич ...мuddатга. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгилаб қўйилсин!»

Исмлари бир-биридан чиройли бўлган бу йигитлар уюшган тартибда жиноятга қўл урган, ҳатто улар ўғирлик билан чегараланмай бировнинг жонига қасд қилишгача боришган.

Уларку қилмишларига яраша жазосини олишди. Бироқ бир нарса кишини ўйга толдиради. Нега бу йигитлар исмларига ярашқ йўлдан бормадилар? Ахир, ота-оналари уларни шундай ном билан аташни ният қилганларида, Мирзо Бобурдек ватанга садоқатли, Шоҳжаҳондек қўрқмас ва ботир, Улугбекдай ўткир ақл соҳиб бўлишини истаганлари кундай равшан-ку!

## ИСМЛАРДА ИРИМ БОРМИ?

Рухшунослар исмнинг инсон келгуси ҳаётига, келажагига таъсири борлигини таъкидлашади. Шу маънода ота-боболаримиз оилада туғилган чақалоқларнинг вафоти кетма-кет давом этаверса, уларни Турғунбой, Турсуной, Улмасхон деб аташган. Ажабланишми, айнан шу исмларни олган гўдаклар соғ-омон улғайишган. Уларнинг ортидан ука-сингиллари

ҳам дунёга келишган.

Тўғри, ҳозирда бу каби иримларга кўп ҳам парво қилавермаймиз ва болаларимизни ҳам замонавий, жарангдор исмлар билан аташни истаймиз. Бизга ёққан номнинг маъносини суриштириб ҳам ўтирмаймиз.

...Мақтаб ҳовлиси биринчи синфга қабул қилинадиган болажонлар билан тўла. Чунки бугун ихтисослашган синф-



ларга ўқувчилар танлаб олинмоқда. Онасининг пинжиги тиқилиб, тенгдошларига ҳам қўшилмай турган бир болакай эътиборимни тортиди.

— Сенинг исминг нима? — сўрадим ундан.

— Шоҳнам.  
— Тушунмадим, нима дединг?  
— Шоҳ-нам! — бу гал у исмини бўғинлаб айтди. Адашмасам, ундан кўпчилик исмини қайта-қайта сўрашган.

— Ўғлингизнинг исми қандай маънони англатади, биласизми? — сўрадим онасидан хайратим ошиб.

— Билмасам, дадаси шундай деб қўйганлар...

Дунёда шунча чиройли, маъно-мазмунга эга исмлар турганда, болани қандайдир тушуниксиз исм билан аташ лозиммикан?

## МУЛОҲАЗА

### ДЕМИР ЎЗБЕКМИ Ё ТИМУР?

— Де-мир! Демир!  
Кўчада бир аёл болалар майдончаси томонга бўйлаб, боласини қақирарди.

— Бу аёл ўзи ўзбек-ку, нима, бошқа миллат кишига турмушга чиққанми? — қўшниникига келган меҳмон жувон бизга саволмуз юзланди.

— Йўғ-е, эри ўзбек. Ўзбек оиласига келин бўлиб тушган, — баб-баробар жавоб бердик икки аёл. Меҳмон ажабланиб, елка қисди.

Чиндан ҳам, нега бу аёл фарзандини бошқа миллатга хос исм билан атаганикин? Чиройли бўлгани учунми? Бу исмнинг маъносини ўзи билармикан?

— Бир сериалда шундай исмли қахрамон бор эди, ўшани ёқтириб қолиб, ўғлимга шундай исм қўйганман, — деди бир куни ўша аёл саволларимга жавобан.

Тўғри, ҳар ким фарзандига ўзи ёқтирган исмини қўйишга тўла ҳақли. Бироқ бугун биримиз турк сериалидаги қахрамонга тақлид қилиб, яна биримиз маъно-маъзани суриштирмай дилбандимизга дуч келган исмини

кўйверсак, эртага ўзбекча исмлар бутунлай йўқолиб кетмайдими? Динара, Сабина, Шоҳруза, Шаҳина, Севдар... Бу номлар қандай маънога эга? Бу тушуниксиз (аммо ёқимли жаранглайдиган) исмлардан кўра Дилдора, Сабринисо, Зебунисо, Шоҳсанам каби исмларнинг нимаси ёмон?

Мақоламиз аввалида тилга олингандек, сизда савол туғилиб улгургандир: Исмга монанд иш тутмаган панжара ортидаги йигитларга нима дейсиз? Сизнингча, аввало болага яхши исм ва кейин яхши тарбия беришимиз керак эмасми? Яна шунда улар исми-жисмига хос ўғил-қизлар бўлиб улғайишади.

Хўш, бу борада Сизда қандай мулоҳазалар бор, азиз мухлис?

**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

#### 1-САВОЛ

Африкада шундай дарахтлар борки, улар ўзларини ҳимоя қилиш учун чумолилардан фойдаланадилар. Бу дарахтлар чумолиларни жалб этиш ва боқиш учун ўзидан нектар ишлаб чиқаради. Чумолилар ҳам бундай саховатга муносиб жавоб берадилар. Улар бу дарахтларни нафақат жирафалар ва чигирткалардан, балки бошқа ёввойи чирмовуқсифат текинхўр ўсимликлардан ҳам жон-жаҳдлари билан ҳимоя қиладилар. Ўйлаб кўринг-чи, чумолилар билан гаройиб ҳамкорлик битимини тузган қайси дарахтлар экан?

#### 2-САВОЛ

Бу нарса ўсимлик эмас. Лекин тирик мавжудот каби унади. Ўт-ўланлар билан озикланади. Аксарияти захарли бўлади. Улар дарахтларга ёпишиб ўсганда, уларнинг ўлик хужайралари билан озикланади. Қизиғи шундаки, уларга дарахтзорларда кўп дуч келасиз. Топинг-чи, гап нима ҳақида борапти?

**Ғолиблар учун тахририятнинг махсус совғаси бор.**

## «УМИД ВА ИШОНЧ»

**Тиббиёт маркази куйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:**

- Терапевт-кардиолог
- Невропатолог (болалар ва катталар)
- Оғиз бўшлиғи, кулоқ, томоқ (ЛОР)
- Уролог, гинеколог
- Лаборатория
- ИФА методика (хламидиоз, уреоплазма, ЦМВ, герпес, ТЗ, Т4, ТТГ, пролактин, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон).

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Бешёғоч даҳаси, 1-уй.

**МУЎЛЖАЛ:** «Истиқлол» санъат саройи, Банклар ассоциацияси.

**Мурожаат учун телефон:**  
245-07-42; 245-07-72 **Лиц. № 2677**

## AK STAR VERDI «МАРҒУБА» САЛОНИ

**5000 хилдаги «ЭЛИТА» услубидаги пардалар,  
ҳар хил турдаги келин кўйлақлари тикламиз (ижарага  
ҳам берилади).**

- ▶ Сартарошхона
- ▶ Соч турмаклари
- ▶ Макияж
- ▶ Маникюр
- ▶ Педикюр хизматлари кўрсатилади.
- ▶ Таклифномалар, визиткалар тайёрланади.



**Манзил:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Бёруний 1-Б, 2-уй, 7-секция.

**Мўлжал:** «Тинчлик» метроси.

**Мурожаат учун телефонлар:** 242-86-30, 537-77-73, 170-70-50.

## «ФАН» ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

**Абитуриентларни куйидаги таълим йўналишлари бўйича 2010 йилги давлат тест синовларига кафолатли тайёрлайди:**

**Ижтимоий йўналиш:** тарих, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент юридик институти, Тошкент милиция академияси, Тошкент олий божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва бошқаларга).

**Иқтисодиёт йўналиши:** математика, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент молия институти, Тошкент иқтисодиёт университети ва бошқаларга).

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия институти, Тошкент фармацевтика институти ва барча тиббиёт институтларига ва тиббиёт коллежларига).

**Техника йўналиши:** физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университети ва бошқаларга).

Ётоқхона бор. Марказ барча фанлар бўйича юқори маалаки ўқитувчилари танлов асосида ишга таклиф қилади.

### МАНЗИЛ:

Тошкент шаҳри, «Чилонзор» ва «Мирзо Улугбек» метролари оралиғида, 44-А бино, 6-кават.

**Тел.:** 244-96-99, 273-97-76, 719-52-50, 338-41-03.

Бу оила 25 йил муқаддам севги-муҳаббатдан бахт қасрига пойдевор тиклаган. 1982 йил Тошкент Рустамжон Политехника, Саодатхон эса Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида талаба эди. Ҳамюртлар сифатида бир-икки марта учрашишди-ю, қизнинг нигоҳидаги самимият ва иссиқлик йигит қалбига бир парчагина чўг ташлади. Ана шу чўг ёшларни қисмат кўрғониға етаклаб келди. Бу орада ўқишни тугатиб, диплом олган ёшлар ўз уйларига қайтиб, ишга жойлашди. Лекин бир йил ўтса ҳамки, Саодатхон келган совчиларни қайтаришини, Рустамжон эса уйдагиларга «ҳеч кимга уйланмайман», дейишини қўймади. Кўпни кўрган, тушунган, тумандаги зиёли, обрўли инсонлардан ҳисобланган раҳматли Нақибой ота аёли Умидахон ая билан гапни бир жойга қўйиб, яна Поппа, Турдиали ака ва Қаноат опаникига эшик қоқиб боришди. Уларни қизнинг ота-онаси очик чехра билан кутиб олишди. Хуллас, ёшларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати ростлигига, бўлажак қудаларнинг яхшилигига ишонган, ахирги тўнғич қизларини Янгиқўрғонга узатишга розилик беришди.

— Умрни оқар дарё, деганларча бор-да, — дейди Рустамжон ака қулиб. — Мана шу воқеаларга ҳам 25 йил тўлди. Қаранг, бир зумда ўғил-қизларни вояга етказиб, шириндан-шакар Бехрузбек, Жаҳонгир, Фирдавс исмили набираларнинг ҳам бобоси-ю, бувисимиз энди. Етказганига, кўрсатган кунига шукр!

— Айримлардан «севгига етишгач, яъни оила қурилган, муҳаббат эгаларининг туйғу-лари аста-секин сўна бошлай-

ди. Аниқроғи рўзгор, болачака ва бошқа ташвишлар туйғулари севишган эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ўзгаради, бир-бирларига бўлган эътиборлари сусаяди» — деган гапни эшитганман...

чин сеvgи ниҳоятда покиза ва илоҳий туйғу. Зарур пайтда уни асрай билиш ҳам керак. У тилдан кўра дилда бўлса, янада гўзаллашиб, мустаҳкамланиб бо-равераркан. Мен Саодатхонни ҳурмат қиламан, чунки у бир вак-

субхатга кўшилади Саодатхон БОТИРОВА. — Лекин тўрисиани айтишим керак, гарчи битта вилоятда яшасак-да, нафақат шеваларимиз, балки урф-одатларимизда ҳам анча фарқ бор экан. Шунга қара-

## ОДАМЛАР ОРАСИДА

қунда тadbиркорлик фаолиятини ривожлантираётган тўнғич фарзанд Бекзоджон эл хизматида. Нафисахон билан худди ота-онаси сингари аҳилликда яшаб, икки ўғилни улғайтиришмоқда. Қизлари Нодира ҳам турмушга чиққан. Бир ўғилнинг онаси. Хонадон кенжалари Мадина ва Одинахон жуда ақлли, одоб-ахлоқли қизлар бўлиб етишяпти. Келинойиси айтганидай, бир-бирдан чаққон ва эпчил. Ҳар қандай юмушни қўйиллатишади. Мўъжазгина ховли бўлса-да, томорқадан унумли фойдаланиб, тузуккина даромад олиш-у, атрофнинг гуллаб яшнашида ҳам ана шу қизларнинг ҳиссаси катта. Спорт, бичиш-тиқиш ва пандачилик жону-диллари. Айниқса, Мадинанинг пишириқларга усталигини айтмайсизми? Одинадаги яна бир алоҳида жиҳат, унда билим олишга, тарихни ўрганишга бўлган қизиқиш жуда кучли. Ҳатто ҳозирдан «кичик тадқиқотчи» сифатида назарга янги тушиб улгурди.

Ушбу оилада ўсиб-улғаяётган фарзандлар ва уларнинг ютуқлари ҳақида батафсил сўз юритишдан муддаомиз шуки, Рустамжон ва Саодатхонлар оиласидек мустаҳкам кўрғон ва соғлом муҳит мисолида жамиятда яхши инсонлар кўпайиши ибратли ота-она, хонадондаги соғлом муҳитга боғлиқлигини яна бир бор исботлаш эди, холос.

Ҳақиқий сеvgининг давоми ҳам ана шундай тотли, гўзал ҳавасга арзири бўлади!

**Шаҳзода АКБАРОВА,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**  
**Суратни Абдумутал МАТКАРИМОВ олган.**

# БАХТНИНГ ЎЛЧОВИ

## бойлик ё дунёда эмас, меҳру муҳаббатдадир



**Рустамжон МҮМИНОВ:**

— Бошқаларни билмадим-у, лекин мен Саодатхонга кўнгли қўйиб адлашмаган эканман. У билан яшаганим сари уни кўпроқ севишимни ҳис қилаяман (қулади). Менимча сиз айтган севишганлар бир-бирларини яхши билмасдан, фақат ташқи кўринишига қараб, хою-ҳавасларга берилган бўлишади. Демокчиманки,

тнинг ўзида менга чин дўст, фарзандларимга меҳрибон она, яхши келин ва ўз навбатида келинини ўз болаларидан кам кўрмайдиган, тушунган қайнона, набиралари учун доно, суюкли буви ҳамда тумандаги 45- мактаб директори.

— Дадаси, юрагингизда шунча «дардларингиз» бор экан, ҳеч айтмасдингиз-ку! — жилмайиб

май, мени чин дилдан ўз оилаларига қабул қилиб, меҳрларини, ёрдамларини аямаган қайнона-қайнонам, қолаверса, қайинсингил-қайинларим, овишларим кўмакларидан барчасига кўникиб кетдим. Ота-онамдан узоқдалигимни ҳечам билдиришмади, ҳамиша, ҳар ишда суянч бўлишди. Улардан бир умр миннатдорман. Ҳатто эр-хотин иккалаимиз фарзандли бўлишимизга қарамай, иккинчи мутахассислик бўйича ҳам ўқиб, диплом олдик. Ҳаётда ҳақиқий бахт топиб яшаш, дегани барча учун қадри бўла олиш, деб ҳисоблайман. Одатда биз дадаси билан кам гаплашасак-да, доим фикрларимиз бир ердан чиқади. Демак, сеvgи ойни олиб беришдек қуруқ ваъдалар эмас, балки ҳар икки дилнинг чамбарчаслигидир. Бахтнинг қалити ўзаро ҳурмат, тушуниш ва бир-бирининг қадр-қимматини билишда.

Ҳа, эр-хотиннинг муносабатлари, оиладаги муҳит фарзанд тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг маҳалладошлари орасидаги обрў-эътибори ҳам ўғил-қизлари қандай инсон сифатида камол топаётганига қараб баҳоланади. Бу томондан ҳам Рустамжон ака ва Саодатхон опалар оиласини ибрат олгулик. Айни

### Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади. Ўқиш муддати 6 ой.

### Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилди ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) албатта тақдим этилади.

### Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, ( собик Ирқутск) 20-уй.

**МУЛЖАЛ:** Кўрасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

### Тошкент шаҳридаги «2-автобус саройи» Очиқ акциядорлик жамияти

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгишларини хушнуд қилмоқ мақсадида янги «МЕРСЕДЕС БЕНЦ LOW FLOOR КОМЕНТО» ва «ISUZU» автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ОЙЛИК МАОШЛАР:** «МЕРСЕДЕС БЕНЦ» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 350 000 дан 400 000 сўмгача

**Чиптачилар учун:** 150 000 сўмдан юқори.

«ISUZU» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 250 000 дан 300 000 гача.

**Чиптачилар учун:** 150 000 дан юқори.

**Мурожаат учун телефонлар:**

**296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона)**

**Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



## ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ!

«Мерседес бенц О-405» русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда.

Кимошди савдоси шу йилнинг 17 сентябрь куни ўтказилади.

Тошкент шаҳар 2-автобус саройи маъмурияти.



**Мурожаат учун телефонлар:**

**296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона)**

**Айтишларича, эркалар аёлларга нисбатан ўз жуфтларини 3,5 баробар кўпроқ ташлаб кетишар экан. Шу боисдан деярли барча олди-қочди газеталар дейсизми, ялтир - юлтир журналлару китобчалар аёллар учун "тарқ этган эрларни қандай қайтара олиш мумкин" лиги ҳақидаги турли маслаҳатлар билан тўлиб-тошган.**

Аммо рухшунослар фикрича, заиф жинс вакиллари четдаги бу каби насиҳатгўйликка унчалик ҳам муҳтож эмас экан. Чунки аёлларнинг дардини эшитишга тайёр, уларни тушуқлик пайтида қўллаб-қувватлайдиган, мадад берувчи, тўғри йўл кўрсатишга ҳозир-нозир турувчи ду-

бақирди:

— Дилсор, ўв Дилсор! Чой опке, бош ёрилай деяпти...

Жим-житлик. Эшмат хавотирга тушиб қолди. Хотини гаплашмай қўйса-я? Урниндан туриб, башарасига аянчли, ялинувчан тус бериб, хотинидан узр сўраш учун шоша-пиша ошхонага кирди.

**ИЗОХ:**

Ха, бундай ҳолатлар ҳаётда тез-тез учраб туради. Эҳтимол, Дилсора бир-икки кун аразлаб, онасиникида юра юра, ўзи қайтиб келар? Қанийди?..

Аммо қайтмаса-чи? Эшмат-войнинг қилиқларидан батамом тўйиб кетган бўлса-чи? Қайсарлик қилиб, «ажрашман»га тушса-чи? Унда нима бўлади?

Йўқ! Бунга йўл қўймаслик керак. Қандай бўлмасин, хотини ва қизини олиб келиши керак! Лекин қандай? Келинг, биргалликда ўйлаб кўрайлик.

**Севги қурбонлик талаб этади**

Яхши хотин ҳеч

қачон «ўзи кетар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр» қилиб юрмайди. Кетсалар, уларни қайтариш қийин. Аёлингиз сиздан чинакамига аразлаган бўлса, у сизни кечира олиши учун албатта ўзингиз бирор нарсадан воз кечганингиз маъқул. Масалан, ичишни ё чекишни, ё айтилик, аёлларга «бесу-як» лигингизми, ёки бошқа бирор ярамас одатингиздан тамоман воз кечишингизга тўғри келади. Қасам учун, ҳужажурингизга ёки вақтинчаликка эмас, бу-тун-лай!

**МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ**

**«Сен мени билмайсан-да!»**

Ўзингизни ўзгартиринг. Соҳингизни тузатинг. Соқолни қир-тишланг. Арчилган тухумдай ялт-тиллаб юринг. Ана шунда сизни ташлаб кетган хотин типирчилаб қолади. «Вой ўлмасам, ўзига қараб юрса, Эшмат акам ҳам бип-бинойи одам экан-ку! Шошма-шошма... Бу... мен кетганимдан кейин намунча "посон" бўлиб қолди? Ишқилиб битта-яримта-сини излаб қолган бўлмасин? Э худо, энди мен нима қиламан?»

# АЁЛ УЙДАН КЕТГАНДА

гоналари, холаю опахонлари бисёр. Айтиш жоизки, биринчи галда кўз ёшлари ҳам. Аммо хотини уйдан кетиб қолган бечора эрка дардини кимга айтади? Мисол тариқасида оддий бир воқеани келтириб ўтсак...

**Сўнги томчи**

Очиғи, Эшмат хотинининг "агар эри яна шундай ичиб келадиган бўлса, уйдан бутунлай кетиб қолиши"ни айтиб, қасам ичганини шунчаки пўписа деб ўйлаганди.

Аммо кеча Эшматбой ўртоқларига кечикиб бўлса-да, чойхонада қизининг тугилганини "ювиб" берди. Кейин ораларидан биттасининг «торта-торти» билан саунага кетишди. Ароқнинг устидан босиб-босиб пиво ичишди. Билмайди, туннинг қайси қисмида учиб қолган Эшматни ўзидан ҳам баттар «ғишт» бўлиб қолган улфатлари уйига қандай олиб келиб ташлаган... У амаллаб ўрнига чўзилиб қолганини эслайди, холос...

Эртаси кўзини очса, кун тиккада. Аллақачон туш бўлган. Уй эса жим-жит. Эшмат бироз гангиб турди. Сўнг одати бўйича

Лекин у ер ҳам бўм-бўш эди. Кейин ваннага, айвонга ўтди. Гўё Дилсора кичкина бир тугмача ё ангишвонадек шуурсиз тарзда, аммо юрагига яқинлашиб келадиган алланечук номалзум хавотирдан гурса-гурс урганча хотининг ҳар бир бурчагини титкилаб чиқди. Уларни ахтарди. Тополмади. Аниқроғи, тоғди — уйдан чақалоқнинг кийим-кечаги, Дилсорнинг саноклигина уст-боши, ҳатто ойнали шкафа олдида қалашиб турадиган упа-эликлари... ҳаммаси гойиб бўлганди. Дарров нима бўлганини тушунди. Дилсора кетиб қолган! Бироз тутатқанча шартта қайнонасиникига телефон қилди:

— Ассалому алайкум. Мен ҳалиги... Дилсора бормадимми?

— Хе, саломинг бошингдан қолсин, безбет! — гўмбурлади гўшадан қайнотасининг овози. — Сенга садқаи хотин, садқаи бола! Қайтиб телефон қилиб ўтирма!!!

Қайнотасининг важоҳат билан гўшакни қўйиб қўйганидан Эшматнинг бир хўрлайи келди. Ўлсин агар, йиғлаворшига сал қолди. Бошини чангаллади. Уф... Энди нима бўлади?



**«Айбим менинг нимадир?»**

Агар аёлингиз уйдан кетиб қолган бўлса, бунга барибир рад этиб бўлмас асос бор. Бунинг сабабини билсангиз, жуда яхши. Аммо билмасангиз, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олишингиз керак. Яхшиси, бор айбларингизни бирма-бир санаб ўтинг. Кейин бу камчиликларингизнинг асосийларини ажратиб олинг.

**«Ҳозир йиғлавораман...»**

Хотинингиз кетди дегандан унинг изидан ялиниб-ёлвориб бориш, бир мартагина бўлса ҳам учрашишга, тавалло қилиб, тиз чўкиб, кўз ёш тўкишга ошиқманг. Сиз унга ўзингизнинг усиз ҳам бемалол яшай олишини тушуниб етишига, қолаверса, бироз ҳовуридан тушишга вақт беринг. Шу боис бир муддат унга кўнгирак ҳам қилманг. Ошиқ йиғитчадек йўларини тўсманг. Бир фурсат дамингизни чиқармай, қорангизни кўрсатмай туринг. Агар бордию, «қочоқ» хотинингизга бирор жойда «тасодифан» дуч келиб қолсангиз, имкон қадар, унинг кайфияти қандай бўлишидан қатъий назар, хушмуомала бўлинг. Ҳозир у жиззақилик қилиб, сизнинг иззат-нафсингизга тегса ҳам, сиз магарки бундан кейин у билан бир умрга бирга қолишга қарор қилган экансиз, унинг барча ёзғирлишарига мардонвор туриб бера олинг. Аммо ичингиздаги мунгни билдирманг. Ва асло жисмонан яқинлик қилишга уринманг.

— Мен буларни китобнинг қадрига етадиган таниш-билишларимга текинга таркатаман. Уқшса, менгаям савоби тегар, тўғрими?

Сотувчи бўлса, «билмасам» дегандек елка қисиб қўяқолди...

Суюндик МАМИРОВ,  
«Оила ва жамият» муҳбири.



варақлаб кўрдим: бири рангли муқовада, 64 саҳифадан иборат ҳикоялар тўплами. Муаллифи... Иккинчисининг муқоваси оқ-қора бўлса-да, қоғози жуда сифатли, 34 саҳифада латифалар жамланган.

Инсон руҳиятида бирон бир нарсани асл баҳосидан сал арзонроқ сотиб олишга бўлган иштиёқ кучли бўлади. Талабалик йилларимда чўнтагимда пулим бўлса-бўлмаса китоб дўконига кириб турардим. Сотувчидан қанақа янги китоблар келганини сўрадим. Энди яширишга не ҳожат, азбаройи ўқигим келганидан ўша дўконнинг ўзида тик туриб, нечта китобчаларни ўқиб ҳам олганман.

Газета дўкони қаршисида ўша иккита китобни қўлимга тутганча бир муддат туриб қолган эканман, шекилли, сотувчи.

*Яратганини тенгисиз инлошти туфайли  
юртимиз обод, турмушимиз фаровондир. Шундан  
ёрун кунларни кўрмоқ бахти бизларга nasib этгани-  
дан ҳар лаҳза миннатдор бўлмоғимиз керак.  
Мухтарам юртдошлар! Яна бир қутлуи айём —  
муборак Рамазон ҳайити арафасида туғрибмиз.  
Ана шу туғрухли айём билан баргангизни  
самимий шабриқлаймиз.*

**Хонадонингизга тинчлик-осойишталик,  
кўнглингизга хотиржамлик тилаймиз.**



**Тошкент шаҳридаги  
«ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»  
очик акциядорлик жамияти  
жамоаси**

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## «ZENN-SHANS»

## ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун қўлидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машгулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларнинг юқори даражаси сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машгулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киртилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

**Машгулотлар сентябрдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ,  
БОРДОНКЎЛ ҚЎРҒОНИДА ЖОЙЛАШГАН «5-СОН  
АВТОКОРХОНА»**

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**«ПОЙТАХТ АУКЦИОН»  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

2009 йилнинг 17 сентябрь куни «Мерседес — Бенц О 405» русумли автобусларининг КИМОШДИ САВДОЛАРИ ўтказилишини маълум қилади.



**ИМКОНИАТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

Дам олиш кунларининг бирида таниш опахонларимдан бири кўнгирак қилиб, ширинлик пиширишга ҳашар қилаётганини айтиб қолди. Бордим. Ишни бозор қилишдан бошладик. Тухумнинг нархи нега дарров кўтарилганининг сабабини энди тушундим. Ахир ҳайит яқинлашапти, тухумсиз пишириқ қилиб бўлмаса, қиз узатганлар тоғора қилмаса... тўғри келмас-ов... Нақ 100 та тухум олдик. Демак, ун, шакар, ёғга ҳам талаб шунга яраша. Хуллас, танишим билан бозор айланиб, 20 тоғора тўладиган пишириққа маҳсулот харид

билан яқинроқ танишиб олган. Ҳайитлик қилиб чиққан қиз-жувонлар олдида авваллари дастурхон ёзилиб, туршак, майиз ва қизнинг ота-онаси жўнатган ҳолва қўйиларди. Остона ҳатлаб кўчага чиқарилмаган қизлар шу баҳонада бир-бири билан суҳбатлашиб, топишмоқ, матал айтишарди...

Ҳа, йиллар ўтиб, узатилган қизлар ҳайитини ўтказиш катта маросимга айланди. Бу шундай маросимки, бир тўйнинг харажати кетади. Утган йили маҳалламизга тушган янги келиннинг уйига чиқдик. Столнинг усти тўлалигидан синай,

деб турибди. Ўзини кўргансиз-у, номини эшитмаган ширинлигу мевалар. Энг ҳайратланарлиси, пишириқ кўпчилигидан 5 метрлик стенканинг устига ҳам тортларни қаторлаштириб қўйибди.

— Мана бир неча йилдан бери тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани учунми, қирқ тоғорани тўлдириш анча камайди, — дейди ўқитувчи қўшим. — Мен узатилган қизимга тоғора қилмадим, ўрнига катта телевизор олиб бердим.

— Қизимга тоғорани оз қил-

ганим учун қудалар «ёнига музлатгич ҳам қўшасиз», деб жанжал қилапти, — дейди яна бир қўшим. — Яқинда қизим кўввим билан чет элга ишлагани кетаяпти, ўзи бу ерда яшамаса, музлатгични нима қилади, ҳайронман?

— Шартнома асосида ўқишга кирдим, — дейди ёшгина қизалоқ кўзларида ёш билан. — Лекин онам ҳар йили шартномага тўлайдиган пулни йиғиб, сени узатаман деб ўқиймига рухсат бермади...

Наҳотки, қизнинг бахти дабдабали тўю сарпода бўлса?

## НИГОХ

Унинг жамиятдаги ўрнини, оналик масъулияти, фарзандларининг келажагини ўша бир кунлик тўй белгиламайдикуну?!

Тўғри, кимнинг ҳам яхши яшагиси келмайди дейсиз? Келажақда фарзандининг турмуши яхши бўлиши учун ота-она тўй баҳона унинг ҳамма кам-кўстини яратиб беради, бунинг устига Ҳайит, Чарлар, бешик тўйида яна сарпо-жихоз билан тўлиб-тошиб боришади. Лекин тайёр қўлайликларга осонгина эришган ёшларни ўйлайдиган бошқа

# КИМГА БАЙРАМ, КИМГА...

қилдик. Шу билан бўлгандир, деб ўйларсиз. Қаёқда?

— Ҳали қудаларим, кўввим, қизимга бош-оёқ сарпо қилишим керак. Тоғора кам бўлаётгани эвазига 500 минг сўмга стол, стул ҳам олиб боришимиз керак.

Беихтиёр «Кечагина 5-6 йилга етадиган бош-оёқ сарпо билан узатилган қизнинг яна нима камчилиги бор?», деб ўйлайсиз.

— Бундан 50 йиллар муқаддам, — деб эслайди тошкентлик кекса онахон Замира опа. — Ҳайит олдида ёш келинчагу қиз-жувонлар албатта бошларини ювиб, сочларини майда ўрдиришарди. Қўлларига хино қўйишарди. Ҳайит баҳона қизлар бир-бирлари билан дийдорлашишарди. Авваллари ҳайитни ўтказишдан мақсад, келинчакнинг сарпосини, ясаган столидаги пишириқларни кўз-кўз қилиш эмас, балки янги келиннинг уй тутишини кўриш, ўз қўллари билан пиширган ширинлигидан татиб кўриш бўлган. Ва маълум маънода ҳайит баҳонасида янги тушган келин кўни-қўшнилари

## ёхуд Ҳайит — айём, дабдаба эмас



ташвиши, ўйи бўлмагач, арзи-маган нарсаларни баҳона қилиб, жанжаллашади. Чунки улар бели оғриб пул топмаган. Кетган сарф-харажатга ичи ачмайди, ўша нарсаларнинг қадрига ҳам етмайди. Ота-онаси умр бўйи йиғиниб, тўйга сочганини кўрган фарзанд ҳам ота-онасидан қолган «мерос»ни давом эттиради — ҳаётнинг мазмунини биринчи ўринда дабдабали тўй қилишда, деб ўйлайди. Шахснинг камолини, келажагини белгилайдиган — билим олиш, касб-хунар эгаллаш эса кейинги ўринларда қолаверади...

... Айни шу кунларда барча мўмин-мусулмонлар бир-биридан хабар оладилар, фарзандлар ота-оналарини йўқлайдилар, қўшнилари бир-бирларига ширинликлар улашадилар. Қиз узатган хонадонда эса шу кунларда бесаранжомлик — қирқ тоғоранинг қирқ машмашаси бошланади... Ахир ҳайит яқинлашапти!..

Барно СУЛТОНОВА,  
«Оила ва жамият»  
мухбири.

## Бизнинг шиоримиз оддий:


**“Халқимизга ҳалол ва холис хизмат қилиш!”**

**Ана шундай масъулиятли ва шарафли вазифани чин дилдан адо этаётган пойтахтимиздаги**



## “7-АВТОКОРХОНА”

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



**халқимизни ҳамда юртимиз меҳмонларини муборак Рамазон ҳайити билан қутлайди.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик ва оилаларингизга тинчлик-тотувлик тилаймиз!**

...Шоира ҳомилдорлик даврини эсон-омон ўтказиб, тўлқоқ бошланиши билан касалхонага келди. Бунга қадар у фарзанди дунёга келиши учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини ҳозирлаб қўйган, умуман, она бўлишга нафақат руҳан, балки жисмонан ҳам тўла тайёр эди. Шунинг учун гарчи биринчи бор туғишга кетаётган бўлса-да, имкон қадар ҳажжонланмасликка ҳаракат қилиб, чуқур-чуқур нафас олганча ҳамшира кўмағида туғруқхона зиналаридан кўтарилиб бораркан, ҳаммаси яхши бўлади, деб ўйларди. Унинг аҳволини текшириб кўрган шифокорлар ҳам Шоиранинг умумий аҳволини "қониқарли" деб топиб, аёлни дарди "пишиб" бўлгач, туғдириш хонасига аравадача гилдиратиб олиб

сечение операцияси 1500 йилда Швецияда қилинган экан. Ушанда Якоб Нуфер исмли чўчка боқувчининг хотини тўлғоқ туғиб, болани дунёга келтиролмай, ниҳоятда қийналиб кетади. Шўрлик аёл бошида бир эмас, ун учта доя хотин гиригиттон бўлишар, аммо афсуски кўларидан бирор иш келмай хуноб эдилар. Аёл эса борган сари азобланар, дақиқа сайин бор кучидан ҳам айрилаётган, дамодам хушини йўқота бошлаганди. Якоб Нуфер хотини ва туғилмаётган фарзанднинг жони азобда қолганини, уларнинг ҳаёти чинакамига хавф остида эканлигини кўриб, ортиқ чидаб туролмайдди. Дояларни хонадан қувиб солиб, ўзи ишга киришарди. У бу жарроҳликни чўқалар

**ТИББИЁТ СИРЛАРИ**

аёлларни ҳаттоки қоринларида қоладиган бир умрлик чандик ҳам ташвишга солмайди. Энг муҳими, азобланишмаса бас. Наркоз олиб ухлайдию, уйғонганида эса ёнида чақалогини кўради. Қандоқ яхши... Битта ухлаб, она бўлиш... Аммо билишмайдики, жарроҳлик столидан соғ-омон туриб кетиш нечача аёлларга насиб этмаган!

**XA, AFСУС...**

Яна афсуски, митти "кесар" чалар, яъни жарроҳлик йўли билан дунёга келадиган чақалокларга бундай усул ниҳоятда салбий таъсир этиши ҳам мумкин. "Сунъий йўл" билан дунёга кел-

Ўзларининг қилган саовиб ишлари билан одамларнинг ёдида қолган инсонлар халқимиз орасида кўплаб топилади. Таниқли олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ботир Миразимов ҳам ана шундайлардан бири эди. 44 йиллик меҳнат фаолияти давомида 30 мингга яқин беморни оёққа тургазиб, оёқ-қўллар, бўғим ва тўқималаридаги ноқисликни жарроҳлик йўли билан даволаб, ҳаётга қайтарган истеъдодли Ботир Миразимов тақдир тақозоси ёки

**ХОТИРА ЁҒДУСИ**

рдон даргоҳда кичик илмий ходим вазифасидан то институт директорлигигача бўлган катта йўлни босиб ўтди.

Бир кун оқшом пайтида Ботир Миразимовнинг уйига ёш йигит келиб, у билан бирга туғруқхонага боришини илтимос эмас, илтижо қилиб сўрайди. Йигитнинг айтишича, ҳозиргина туғилган фарзандининг оёқ-қўллари

**МИРАЗИМОВ  
«МАКТАБИ»**

тасодиф туфайлими, сентябрь туғилган кунига бир неча кун қолганида автохалокатга учраб, дунёдан ўтди...

Ботир бобоси Мусахон Миразимов ва бувиси Шарофатхон ая қўлида тарбияланиб, вояга етган эди. Мактабни тугатганидан сўнг 1955 йилда ҳеч иккиланмасдан ҳужжатларини Тошкент тиббиёт институтига топшириб, талаба бўлди.

Ўзи болалигида кўп касал бўлганлиги боис, хаста инсонларга ёрдам бериш, уларнинг кўнгилларида ҳаётга умид уйғотишни ўзига мақсад қилиб олган Ботир институтни тугатгач, Республика Ортопедия ва травматология илмий текшириш институтига ишга келди. Сўнг Москвада аспирантурада ўқиди. Клиник ва лаборатория текширувлари асосида қўл-оёқ мушак тўқималарига вакуумнинг ижобий таъсири борлигини исботлаб, операция ўтказиш механизмини ишлаб чиқди. Кейинчалик бу «Миразимов методи» сифатида кенг жорий этилди.

Москвадан 29 ёшида номзодлик диссертациясини ёқлаб қайтган шифокор, яна ўша қад-

ажралмаётган эмиш. Ҳақиқатда тиббиётда жуда кам учрайдиган бу ҳодисани профессор кўриб, уни узоқ вақт давомида бир неча операция йўли билан тузатиш мумкинлигини айтади. Чақалокнинг ота-онаси бунга баҳонидил рози бўладилар. Операциялар муваффақиятли чиқиб, бола бир умрга ногирон бўлиб қолиш азобидан қутилиди...

Ботир Миразимов 1972 йилда Москвада «Қўл-оёқларнинг кўйиб қолиш деформациясини тиклаш-реконструктив йўли билан даволаш» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади. 35 ёшида эса тиббиёт соҳасида республикамиздаги энг ёш фан доктори, 36 ёшида эса профессор унвонини олди. Ботир Миразимовнинг номи Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида қайд этилган.

Бундай фидойий инсонлар яшаб ўтган ибратли умр йўли ҳам, илму фанда амалга оширган хайрли ишлари ҳам уларнинг ортида қолган фарзандлари, ворислари ва шогирдлари тимсолида давом этаверади. Миразимов мактаби эса ҳозирги кунда ҳам халқ хизматида.

**Эркин ИБРОҲИМОВ**

**ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТИРАДИ**

**«САРИҚ»ДАН  
САҚЛАНИНГ!**

Маълумки, гепатит — халқ тилида «сарик» деб аталувчи хасталик ўлжир юқумли касалликлардан бири. Уни ҳатто филтрдан ҳам ўта олувчи вируслар қақиради. Бу вирус турлари бир неча хил бўлиб, кўпинча «А» ва «В» гуруҳга бўлинади.

Кейинги пайларда гепатитнинг сариксиз кечадиган (атипик) кўринишлари ҳам учрамоқда. Айримлар вақтида тиббий кўриқдан ўтмаганлиги туфайли ўзларининг бундай дардга чалинганини сезмай қолишлари ҳам мумкин. Натijaда касаллик сурункали шаклда бўлиб, атрофдаги соғлом кишилар учун ҳам хавф туғдиради.

Гепатит «А» вирусини юқандан сўнг касалликнинг белгилари пайдо бўлигунча ўтадиган яширин давр 7 кундан 50 кунгача, кўпинча 15–30 кун бўлиши мумкин. Сариклик пайдо бўлиш олди даври ўртача 7–14 кун, баъзан 30 кунгача давом этади. Тана ҳарорати 38 даражагача кўтарилса, баъзи ҳолларда пайдо бўладиган белгилар грипп касаллига ўхшаб кетади, йўтал, тумов, қувватсизлик, бош оғриши кузатилади. Гепатитга хос бўлган асосий белгилардан бири баданда сариклик пайдо бўлишидир. Дастлаб кўз оқи ва юмшоқ танглай саргайди, сўнгра сариклик кучайиб, терига ўтади.

Ёш болаларда гепатит «А» хасталиги тўсатдан бошланиши ва иситманинг кўтарилиши, қусиш, жигар соҳасининг оғриши билан кечади. Кичик ёшдаги болаларда хасталикнинг бошланишида беҳўслик, уйқувчанлик, эммай қўйиш ёки султ эмиш ҳоллари намоён бўлади. Ўз вақтида шифокорга мурожаат қилинмаса, болаларда хасталик оғир кечиб, жигар дистрофиясига олиб келади. Беморлар албатта касалхонада даволанишлари лозим. Баъзан касаллик белгилари пайдо бўлганда, ўзбошимчилик билан даволаниш кўпинча хасталикнинг оғир шаклга ўтиб кетишига сабаб бўлади.

Касалликка қарши кўрилаётган чоралар асосан хасталик манбаининг тезда аниқланишига ва уни бошқалардан ажратилишига, хасталикни юқтирувчи омиллар — сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари, уйинчоқлар ва шу кабиларнинг касаллик кўзгатувчи вирус билан ифлосланмаганлигига қаратилган бўлиши лозим.

**Абзалхўжа МАЪРУПОВ,**  
Тошкент шаҳар Сергели туман ДСЭНМ бош шифокори,  
**Шоира АЛИМАТОВА,**  
эпидемиология бўлими мудири.

**ОНА БЎЛМОҚ  
ОСОҢМИ?**

кириб кетишди...

Аммо орадан маълум бир муддат ўтгач, ўша хонада галати саросима ва югур-югур бошланиб кетди. Дўхтиру ҳамширалар Шоирани зудликда операция хонасига олиб ўтишди. Ва она билан боланинг ҳаёти кесарево-сечение (жарроҳлик йўли билан туғруқ) орқали асраб қолинди. Шоира фақат эртаси кунни кўз очиб, фарзандини кўришга муваффақ бўлди. Унга қадар эса у икки дунё оралигида эканлигини ҳам буткул унутган тарзда наркоз таъсирида чуқур уйкуга кетган эди.

**НЕГА ШУНДАЙ БЎЛДИ?**

Гап шундаки, фақат туғруқ пайтидагина шифокорлар Шоиранинг ҳомиласи кўндаланг келиб қолгани, оқибат бу онада қон кетиши, боланинг эса туғилиш жараёнида қийналиб, ҳалок бўлиши мумкинлигини билишганди. Шифокорларнинг тезкор қарори туфайли ҳам она, ҳам боланинг ҳаёти шу тарзда асраб қолинган эди.

Шоиранинг «ҳалоскори»га айланган «кесарево-сечение» деб номланган жарроҳлик амалиёти нима ўзи?

**ЎТМИШДАН  
МАЪЛУМОТЛАР**

Кесарево-сечение, яъни жарроҳлик йўли билан туғдириш жараёнида ҳомила билан йўлдош она қорин девори ва бачадонида кесма ҳосил қилиш орқали олинди. Бу жарроҳликнинг номланиши эса Рим императори Гай Юлий Цезарь номи билан боғлиқдир. Манбаларга кўра, буюк император Цезарнинг ўзи ҳам айнан шундай жарроҳлик йўли билан дунёга келган экан. Бошқа бир маълумотга кўра эса ҳудди ўша Цезарь ўз мамлакатидеги дунёга келажак аскарлар сони камаймаслиги учун туғруқ жараёнида қийналиб, ҳам ўзи, ҳам боласининг ҳаётини хавф остига қолдирадиган аёллар қорнини қилич билан ёриб, унинг ичидеги болани соғомон суғуриб олиш ҳақида ваҳшиёна қонун ҳам жорий этган экан...

Бугунги кун тиббиётида эса мазкур жарроҳлик фақат маълум ва жиддий сабабларга кўра амалга оширилади. Масалан, ҳомилдор аёлнинг тоси кичкина ёки бачадон йўлида ўсимта бўлса, унинг боласи жарроҳлик амали билан дунёга келтирилиши кўпчиликка сир эмас.

**ЧЎҚАЛАРДАН  
ХИРУРГИЯГАЧА**

Инсоният тарихидаги энг биринчи, ҳам она, ҳам бола жони омон қолган ҳақиқий кесарево-

ни ахталашда ишлатадиган ўткир тиглардан фойдаланиб, амалга оширади. Хотини қорнидан болани эсон-омон дунёга келтириб, яъни чиқариб олган эр худдога таваккал қилиб, аёлининг қорнини оддий ип билан тикиб ташлайди. Буни қарангки, ўша аёл нафақат омон қолади, балки яна бешта фарзандни ҳам дунёга келтиради. Бу галати жарроҳлик йўли билан туғилган бола эса 77 йил умр кўради...

**“БИР УХЛАШДА ОНА  
БЎЛСАМ”**


Афсуски, ҳозир кўпгина аёллар шундай деб ўйлайди. Европа мамлакатларида “кесарево” билан фарзанд кўриш ҳаттоки урфга ҳам айланиб бормоқда. Нега? Бунинг боисини турлича изоҳлаш мумкин. Масалан, кўпчилик аёллар туғиш ёшидан ўтиб кетганда, яъни 40 ёшдан кейин фарзандли бўлишга қарор қилишади, баъзиларига туғиш таъқиқланган бўлса-да, тиббиётнинг жарроҳлик амалиётига ортиқча ишонганидан «кесарево»ни танлайди. Айрим аёлларнинг эса операция столига ўз ихтиёри билан ётишга мажбур қиладиган бундай сабаб ё хатти-ҳаракатининг боиси асосан тўлғоқ ва туғруқ азобидан кўрқибди. Бошқа бир телба аёллар тури эса боласининг ўзи истаган санада дунёга келишини ҳоҳлагани учунгина вақт соати этишини кутиб ўтиргиси келмайди. Уларга “кесарево” билан туғиш безарар эмаслигини тушунтириш эса бейфойда. Бу

ган бу миттивойларда бронхиал астма, ва ҳаттоки турли кўринишдаги руҳий хасталикларга чалиниб қолиш эҳтимоли кучли бўлиши ҳам мутахассислар томонидан айtilган. Ахир ўйлаб кўринг, туғруқ жараёнида бола ҳар бир тўлғоқ оралигида ташқи олам билан юзма-юз бўлишга босқичма-босқич тайёрларлик кўра бошлайди. “Кесарево”да эса бу олам бирданмига гўмбурлаб унинг бошига келиб қулайди, гўё. Боз устига, бола туғилгани заҳоти тўққиз ой яшаган жисми она жисми билан яқин бўлолмайди. Чунки она аввал наркоз таъсиридан чиқиши, кейин қувватта қирисни керак. Фақат ана шундан сўнггина, агар бунга имконияти бўлса, она фарзандини қўлига олиб, эмизиши мумкин.

**ХИТОЙЛИКЛАР ЯНА  
ОЛДИНДА**

Дунё бўйича жарроҳлик амали ёрдамида туғдириш Хитойда энг кўп амалга оширилолмоқда. Ҳозирда барча туғруқларнинг 50 фоизи “кесарево” қилинмоқда. Бу эса йилга 6,5 млн. операция амалиёти демакдир. Бразилиянинг йиррик хусусий клиникаларида мазкур кўрсаткич 60 фоздан ортқ бўлса-да, бу мамлакат микёсида 30 фозини ташкил этади. Голландия, Япония ва Швецияда жарроҳлик йўли билан туғилган болалар сони 15 фоздан ошмайди. Россияда эса барча туғруқлар сонининг 20 фоизигагина мазкур жарроҳликни қўллашга ружаст берилган.

**Дилфуза КЎЗИЕВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.



Келинчак ичкарига киритилиб, меҳмонлар билан хайр-хўшлашилганда осмон юлдузларга тўлган, барқашдек ойимо ҳовли четидаги каттакон ёнгоқ тепасида қизғиш нур сочмоқда эди. Ёш-ялангларнинг бири уйлари тозалаш, идиш ювиш, бошқаси ҳовли саҳнига сув сепиб-супуриш билан овора.

«Ниҳоят, бир тоғдан ошдим, — энгилгина тин олди Саодат буви. — Ҳар тугул кенжатоимга ҳам ёқадиган қиз учради-я... Нақ бир йил ҳали у — ҳали бу зашика бора-вериб, оёқларим тўзиди: болагинамга ҳеч бирови ёқмас-я...»

Буви сўрида ўтирган куйи ўзига сўзлар, дам жилмаяр, дам ажин оралаган юзларига қўз ёшлари юмаларди.

Ҳа, бувига ҳам осон бўлмади. Хасталик болаларининг отасини барвақт кўрпа-тўшакка михлаб қўйди. Уч йил деганда шу дард туфайли бу оила бошлиғи ёруғ оламни тарк этди. Ёлғиз қўл аёлнинг беш жонни оқ ювиб, оқ тараб, отаси борлардан камситмай, едириб-ичириб, вояга етказиш йўлида тортган заҳматлари ёлғиз худого аён...

Аллоҳга шукр, икки қизини узатди, икки ўғилни ўйлаб, уй-жойли қўлди. Мана, ниҳоят кенжатоидан ҳам кўнгли хотиржам бўлди.

Келин ҳам буви оруз қилгандай оёқ-қўли чаққон, укувли, шаддоғина чиқди. Ҳеч қанча ўтмай, рўзғор бошқаришни ўз қўлига олди. Қисқаси, бу хонадонда Маликанинг сўзи «қонун»га айланди. Она эса дарвозадан кираверишдаги кичик бир хонага қўчирилди.

— Ёлғизгина жонлари бўлса, катта уйнинг нима кераги бор, — деди Малика.

У қайнонасининг бу уйини меҳмонхонага айлантирди.

Буви бунга ҳам кўнди. Ахир биттагина кўлираган жонига катта уй не даркор?

Орадан бир ҳафта ўтиб, келин дастурхонни ҳам бўлак қилиб қўйди.

Орадан йиллар ўтди. «Келин сиғдирмас» деган ном олишдан ор қилиб, ҳеч кимга оғиз очмаган буви бора-бора ёлғизланиб қолди. Ҳар гал ўғлининг ишдан қайтишини сабрсизлик билан кутаётган онаизорнинг соғинч тўла юраги ўрнини туганмас ва

яна? Жимгина уйингизда оёқ-қўлингизни узатиб ётсангиз нима қиларкин-а? Нима, яна қорнингиз очдимми? Киринг-киринг, уйга киринг! Ҳозир болалар ейишга ул-бул олиб бориб беришади...» — дея уришиб беришидан чўчиди.

Кунларнинг бирида эшиги олдида ўйнаб юрган кичик нақбирасини ёнига чақириб, бағрига босди. Қачонлардан бўён камзулининг ички чўнтагида олиб юрган иккитагина ёнгоқ билан

иси, буви маҳалладаги қайси хонадон эшиги очик бўлса, индамай кириб борар, чой, овқат сўрар, ўша ерда қорни тўйиб, ухлаб қоларди... Хатто бир гал бувининг эгнидаги етти қават қўйлақларини ёчиб олиб, ювинтирган қўшни аёл — Хислат хола ундан каттик ранжиди:

— Энди қўйлақларингизни устма-уст кийманг, қўшнжон. Яхшиси, тўғри бизниқига чикинг. Кийимларингизни ўзим, бўлмасамана келинлар ювиб, даз-

## ҚИСМАТ

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қишининг айни совуқ кунларида бувининг хонадонидан йғи овози эшитилди. Кампир (уш совуқлигидан музлаб қолганда бояқиш) бандаликни бажо келтирганди.

Бувини қўлма-қўл қилиб, қабристонга элтишди...

Келин — Маликахоннинг феъл-атвори аллақачон барчага маълум бўлганди. Онамлаб йиғлаш у ёқда турсин, қўзида бир томчи ёш айланмади...

Кунларнинг бирида эса... «вой-дод, мен кимга нима ёмонлик қилгандим, парвардигор? Ёлғизгина қизимга шу дардни раво кўрдингми, Оллоҳим!» — деган фарёда — Хислат хола югуриб чиқди.

Хислатхон қараса, Маликахон айвонда ер мушлаб йиғлар, унинг буй етиб қолган қизи эса сочларини ёйик, ич қўйлақда ҳовлининг этагида югуриб юрар, ўзига-ўзи гапириб, куларди...

Хислат хола ҳар банда ўз қилмишига яраша ажрини ўз қўзи билан кўриб турганидан, тавба, дея ёқа ушлади. Ушоққина кампирнинг хизматини қилиш у ёқда турсин, уни хатто ўз ўғлини, набиралари меҳридан айиргани учун бу келинга фақат Худодан инсоф сўрарди.

Ҳеч қанча вақт ўтмади. Қизининг қўлида Маликахоннинг ҳам қон босими кўтарилиб, ётиб қолди... Ана шундагина у инсонга бир оғиз ширин сўз дардига малҳамлигини, яқинлар меҳри нақадар зарурлигини, ёлғизлик оғир қийноқлигини ҳис қилди... Йиғлади. Узоқ йиғлади. Қайнонаси руҳидан уэр ва қувват сўради... Лекин энди кеч эди...

Лобар РУСТАМОВА

# КИМ ҚИЛМАГАЙ, КИМ ТОРТМАГАЙ

адоғсиз армону хўрликлар эгаллади. Чунки ўғил лоақал остондан туриб бўлса-да, ҳол сурашга ҳам ярамай қолганди...

Она торгина уй деразасидан ўғлининг ўғил-қизларини тиззаларига олиб, эркалашлари, қучиб, ўпишларини кузатиб ўтирар экан, болажонисининг:

— Ойижон, мен катта бўлсам, сизни самолётда учираман, чунки Сиз дунёдаги энг яхши ойижонимсиз... — деган сўзларини эслаб, фарзандига меҳри жўшиб, унинг ёнига боргиси, бағрига босгиси келарди...

Буви ўғлини қаттиқ соғинганди... Урнидан туриб, эшикни очди. Эндигина катта уй томон биттагина қадам босганди, ичкаридан келини чиқиб қолди. Уни кўрдию, ўзини панага олди. Буви, ҳар сафаргидай келинининг: «Ҳа, нима гап

майизни унинг қўлига тутқазди. Аммо набиранинг бувицига термулиб:

— Сиз жиннимисиз? — деган гапидан қараёт бўлиб қолаёзди.

— Ким айтиди, тойчоғим? — дея сўради буви.

— Ойим доим сизни шунақа дейди-ку...

Чўқди буви... чўққанда ҳам ёмон чўқди... Қорнимғамас, қадримга йиғлайман, дейишгани рост экан. Уларнинг энг гўзал онларини фарзандлар учун сарф қилган онанинг орзулари саробга айланса, йиллар давомида меҳр кўргизиб, ўзига зигирча ҳам меҳр қайтмасан... Нима қилсин, қайёққа урсин бошини, кимга дод десин?! Шу тун ўқсиб-ўқсиб йиғлади...

Орадан бир ойча вақт ўтгач, «Саодат буви телба бўлиб қолибди», деган гап чиқди. Бо-

моллаб беришади.

Бир сафар Хислат холанинг кенжа келини:

— Ойи, бувининг ўғиллари, қизлари, келинлари бор, нега энди доим кунлари бизниқиде ўтади, — деганди, Хислат хола уришиб берди:

— Малол кўрманлар, қизим. Ким қилмагай, ким тортмагай, — деган гап бор. Ҳар биримиз бу дунёдаги савобу гуноҳ ишларини сўз учун Ҳақнинг олдида жавоб берамиз. Одамлар савоб қидириб юришади. Сизники олдингизда турибди. Шу гапир инсонга қанча хизмат қилсангиз, сизга Оллоҳ беради, қизим... Бир кун келиб, шу муштипарни кўчаларда тентиратиб қўйгани учун уйдаги келин ҳам тегишли «мукофот»ни олади... Ҳар бир одам оёқ тагини эмас, узоқни қўлаб яшаши, ҳаракат қилиши керак...

## ЎРТАДА ФАРЗАНД БОР...

Биз болажон халқимиз. Ҳаётимиз мазмунини фарзандларимиз тимсолида кўраемиз. Уларни ҳар тарафлама етуқ, оқил инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказиш орзусида яшаймиз. Хайриятки, юртимизда ана шундай эзгу орзуларимизнинг ушалиши учун барча шарт-шароитлар бор. Қолаверса, болалар ҳуқуқлари қонунлар билан қафолатланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бўлди.

Давлатимиз ёш авлоднинг таълим олиши, камолга етиши учун чексиз имкониятлар яратётган бир пайтда афсуски, фарзанд қадрига етмаётган оилалар уларни аро йўлда қолдираётган ота-оналар ҳам бор. Бизнинг хизматимиз жар-

ёнида учрайдиган тажрибалардан шу нарса аниқки, аксарият ҳолларда ажралишлар туфайли болалар кўпроқ азият чекадилар. Уларнинг руҳиятига ота-оналарининг ажралиши жуда қаттиқ таъсир кўрсатади. Кўпинча ажралишга қарор қилган аёл «Боламини ўзим боқиб оламан, оталдан кам қилиб қўймайман», дейди. Ваҳоланки, болага яхши еб-ичириш, кийинтиришдан ташқари меҳр ҳам керак. Отанинг ўрнини эса ҳеч нарса тўлдиролмайди. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ота-оналар ажралишгач, фарзандларининг ҳаётга бўлган қизиқиши камайиб, улар одамови, жиъзаки, ҳаддан ташқари эркатой бўлиб қоларкан. Айниқса, ажралиб деган кўргулик отасиз ўсаётган қиз боланинг ҳис-туйғуларига, меҳр-муҳаббатига кескин салбий таъсир кўрсатиб-

гина қолмасдан, балки унинг тасавурида шаклланадиган ота сиймосини ҳам қора рангга айлантириб борар экан. Оқибатда унинг қалбиде оталарга нисбатан нафрат, қаҳр пайдо бўлиши кузатиларкан.

Ҳўш, оилаларда ажралишларнинг қайиши учун нима қилиш керак? Эр-хотин мурося қилолмаса, келишолмас, бир хонадонда қандай яшаши мумкин? Бундай пайтда бу эр-хотинни муросяга келтириш учун кўпинча руҳшуносларга мурожаат қиламиз. Улар эса ўз навбатида эр-хотин ўртасидаги зиддиятларни ўрганиб чиқиб, керакли маслаҳатларини берадилар, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Улар ажрашадан бўлса, фарзандлар билан ўртада қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлишини ва бу муаммолар оқибатда бола жабранувчи бўлиб қолишини тушуниради. Қолаверса, ФХДБ бўлимимизнинг «Оила мактаби»да ҳам ёш эр-хотинлар-

## БАХТИНГИЗ БУТУН БЎЛСИН!

нинг ажралмаслиги, мустаҳкам бўлиши учун кўпгина ишлар йўлга қўйилган.


Биз бу мактабга тажрибали отахон ва онахонлар ҳамда ибратли оила аъзоларини тақлиф қиламиз. Улар ёшларга ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, маслаҳатлар беришади.

Ҳа, ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайдидейсиз. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилмаслик керак. Ахир мустаҳкам, аҳил-иноқ бўлиб яшаш эркак ва аёлдан ҳаётга теран кўз билан қарашни тақозо этади.

Дилором БАЙЖОНОВА,  
Тошкент вилояти  
Зангиота туман ФХДБ  
бўлими мудириси.

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 7- автокорхона ОАЖ «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



### Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.  
Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.  
Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқу курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.  
Ўқш муддати 6 ой.

### Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилари ва 2 та нуҳаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нуҳаси тақдим этилади).
3. 3х4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нуҳаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:  
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳ кўчаси, 49.  
ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34

Зулайхо сахармардонда уйғониб, ховлига сув селиб, супуришга тутинди. Кечаси билан уйкуси қочгани етмагандек яна Аброрни ўйлай бошлади. Нима деди? "Сиз бегуборсиз, яхши аёлсиз... Сабрматонатлисиз..." дедими? Буни шунчаки кўнгил учун айтмадимикан?

...Оғилхонадаги сигирларни соғиб бўлгач, газни ёқди. Қозонга сутни сузиб солди. Болалари ухлаб ётган уйга кириб, кенжасининг очилиб қолган кўрпасини охишта устига ёпиб қўйди. Пишиллаб ширингина ухлаётган қизалоқ кўзини элас-элас очганча онасига тамшаниб қараб қўйди. Тавба, бу йил мактабга чиққиди, ҳамон онасига гўдақдай эркаланади. Зу-

хига қаради.


Эркакининг кўзларига мунг оралади.

— Ёлғизгина ўғлимиз операциядан чиқмади. Жигари хаста экан...

Зулайхо кетаётган жойида тўхтаб қолди ва ачиниш назари билан ёнидаги одамга қаради-да, зўрға овози чиққанча деди:

— Мени кечиринг, ака. Билмасдан ярангизга туз селиб қўйибман, кечиринг... Айрилиқ азоби бошимдан ўтган.

— Сабр қилмай иложимиз йўқ, сиз ҳам



Зулайхо бу самимий одамга меҳр билан қараб қўйди. Тавба, эркаларнинг орасида ҳам самимийлари бор экан-ку! Бечоранинг бошига тушган ғам ёмон бўлибди. Хотини яна тугмас... Бола асраб олишса керак.

Холасининг олдига Зулайхо аслида эрининг қарзини узиш учун келганди.

— Холажон, мана бу пулларни олиб қўйинг, — У охишта холасига пул тутди. Бу унинг бир ойлик маоши эди.

— Эрим раҳматли ўлимидан олдин сиздан қарз кўтарган экан, кейин эшит-

## Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ

# ...ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУФ

лайхо қизалогининг майин сочларини силаб, пешонасидан ўпиб қўйди. Ўғлининг ёстигини тўригаб қўйган, унинг раҳматли эрига чунонам ўхшаб бораётганини ҳис этиб, юраги жизиллади. Қандай барваста, вазмин ва кўркам йигит эди-я? Илойим, умри ўхшамасин. Зулайхо оғир

хаёллар исканжасида болаларига термулиб ўтираркан, бирдан қозонидаги сут эсига тушиб, ирғиб ўрнидан турди ва ошхонага чопди. Хайрият, вақтида эслабди. Сут энди кўтарила бошлаган экан. Бошқа юмушларига уннаган аёлнинг ёнига яна кечаги учрашув келиб кетди. Аброр сираям узгармабди. Бундан олти йил аввал у билан шаҳарда учрашиб қолган эди. Зулайхо эрига аза очган кезлар эди ушанда. Эгнидаги қоп-қора либос, бошидаги қора дуррачага тикилиб қолган Аброр аёлни биринчи марта таксида шаҳарга кетаётганида учратган, хижрон ҳақидаги кўшиқдан кўзига қуюлиб келган ёшни кўриб, ичи эзилганди. Бу аёл хойнахой, яқин кишисини йўқотган, бўлмаса, бу нолани шу қадар таъсирланиб тингламаган ва мижжаларига ёш қалқмаган бўларди. Аброр ҳайдовчига секин шипшиб, бошқа куй қўйишини илтмос қилганди. Зулайхо буни илғамаган, ўз дунёсига ғарқ бўлганча кўзларини бир нуқтага тикиб борар, ҳатто ўзига нигоҳларини қадаган эркаки пайкамаган эди. Улар манзилга етиб келишганида эса Аброр аёлнинг қўлидаги оғир юкни кўриб индамай кетолмади.

— Кечирасиз, менга беринг, юкингиз оғир экан, ёрдамлашиб юбораман.

Бегона эркакининг кўмагидан ийманган ва атрофдагилардан истихоло қилган Зулайхо аввалига «қўяверинг», дедию, яна индамайди.

— Йўлимиз бир шекилли... — эркак чиройли хилмайди.

— Мен Садага кетадиган бекатга боришим керак.

— Тавба, тасодифни қаранг, мен ҳам ўша томонга кетаяман, яқинда бир оғайнимнинг онаси қазо қилиб қолган эди, шунга...

— Худо раҳматига олсин, — Зулайхо юзига фотиҳа тортди. — Келишинг кетиши бор экан-да... — Аёлнинг оғир хўрсингани хамроҳини сергак торттирди.

— Садада яшайсизми?

— Йўқ, мен ҳам меҳмонга келяман.

Холам яшайди, касал бўлиб ётиб қолганларига анча бўлган, иш, ташвиш билан андармон бўлиб сира келолмадим.

— Холангизга худо шифо берсин.

— Раҳмат.

— Хар ҳолда жуда қариб қолмагандир.

— Энди олтишини қоралаган.

— Фарзандлари борми?

— Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган.

— Ўзингизда болалардан нечта?

Зулайхо ногаҳон энг азиз нарсасини топиб олгандек масрур хилмайди:

— Бир ўғил, бир қиз. Бир-биридан шўх, кизим эндигина биринчи синфга чиқди. Бакирлаб шёр ўқийшини кўрсангиз. Акасига гал бермайди.

— Қиз болалар шўх бўлишадими ўзи...

— Сизникилар-чи? — Зулайхо хамро-

сиқилмаб, бу дунёда ҳаммамиз омонатмиз. Эркак ундан ким учун аза очганини сўрашга ботинолмади. Хозир шу тобда ўзи ҳам аёлга ўхшаб ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин.

— Қолганлар омон бўлишсин.

— Ёш экансиз, хотинингиз ҳам ёш бўлса керак, ҳали этак-этак бола кўрсасизлар. — Зулайхо шундай дейишга дедию, эркакининг кўзига қарамасликка уринди.

— Қайдам, синглим, хотинимга бошқа туғиш мумкин эмас эмиш...

Зулайхо яна «қовун туширгани»ни сезиб, сиқилди. Дарҳол гапни бошқа томонга буришга интилди.

— Ия, бекатга келиб қолибмиз-ку, аксига олиб таксилар ҳам кўринмайди.

— Хавотирланманг, бирпасда келиб қолишадир.

Улар шу тахлит бекатда бирпас туриб қолишди. Кун пешинга келганигами, қуёш обдон атрофни қиздира бошлаганди. Эркак қўлидаги минерал сувни аёлга тутди:

— Чанқагандирсиз, синглим. Олинг, ичинг.

Зулайхо гарчи чанқаб турган бўлса-да, олишга ийманиб, йўқ ишорасини қилди.

Шу пайт келиб қолган такси уларни манзилларига элтиб қўйди. Эркак аёлдан олдинроқ тушиб қолди.

— Тушиб кетаверинг, синглим, мен тўлаб қўйдим.

Хаёл оғушида кетаётган Зулайхо сергак тортди:

— Вай, йўқ, ўзим тўлайман. Овора бўлманг, ака. Бояги ёрдамингиз учун раҳмат.

дим. У дунёда азоб чекмасин. Ўша пуллар ҳам уни сақлаб қололмади. Касали ўтиб кетган экан...

— Қўй, болам, буни болаларингизга ишлат, мен розиман. Жаҳонгининг қарзидан аллақачон кечганман. Қанийди, пул тополмай қийналиб юрганини олдинроқ эшитганимда, бу ордона унга асқотган бўлармиди.

Хола кўзларига ёш олди. Саргайган юзларидан икки томчи ёш думалаб тушди.

— Сен унинг чирогини ёқишинг керак. Ундай десам, болам, ҳали жуда ёшсан, турмуш қуришинг ҳам керак. Икки бола билан ҳайхотдай ҳовлида шумшайиб ўтиб кетолмайсан-ку, чол-кампирилларнинг чирогини ёқадиган чиқиб қолар... Нималар деб алжираялман. Ёш қолганинг, ёмон бўлди-да, болам.

— Эрнинг нима кераги бор, холажон? Болаларни оёққа тургазиб олай.

— Худо сабр берсин, болам. Ўзинг ота-онасиз ўсганинг етмагандай, кайнота-қайнонанг ҳам эрта кетишди. Эрингга кўз төгди, болам. Қандай оқил, азамат йигит эди, — хола яна «пик-пик» йиғлаб олди. Раҳматли эгачим шу ўғлини яхши кўрарди. «Каттам меҳрибон эмас, буним бошқача» дерди доим. Яхшига кун йўқ экан, болам...

Зулайхо ҳам кўзига ёш олди. Эри ўлганига ҳадемай йил бўлади, аммо уни эслади дегунча мижжаларига ёш қалқийди. Атиги беш йилгина бирга яшашди, йигирма олти ёшида бева қолди...

...Сададан чиққанида кун қайтганди. Бекатгача холасининг невараси кузатиб чиқди. Анчайин бўшаб қолган сумкасини олдига олганча хаёлга берилиб ўтираркан, ортидан таниш овоз келди.

— Ия, тасодифни қаранг, яна бирга қайтибмиз-ку?

Зулайхо бояги йўловчи танишини кўриб кулимсираб қўйди. У кулганида юзлари бироз ёришгандек бўлди. Аёлнинг юзидаги кулгичи эркакининг эътиборини тортди. «Бунчаям маъсума бўлмаса», дилдан ўтказди у. Аммо шу тобда бировнинг хотинига кўз олайтираётганини сезиб, жиддий тортди. Унинг ҳам сеvimли эри бордир, ахир. Кўринишдан жуда хокисор аёлга ўхшайди, гап-сўзлари ҳам маънили. Нима бўлганда ҳам у бировнинг хасми...

— Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, дейишадилар-ку, — қулди йигит. — Менинг исмим Аброр, сизники-чи, синглим?

Зулайхо секингина исмини айтди.

— Чиройли исмингиз бор экан.

— Раҳмат.

— Танишганимдан хурсандман. Зулайхо бош ирғаб қўйди.

— Ховлингиз қайси томонларда?

— Охангаронда.

— Э, битта шаҳардан эканмиз-ку. Кимнинг қизисиз?

(Давоми бор)



## ЯЛҚОВЛАР

Одатда биз ишқемас, камҳаракат одамларга дангаса, танбал, ялқов деган таърифларни берамиз. Бу ҳам бежиз эмас. Табиатда ялқов деб номланувчи ҳайвон бўлиб, у камҳаракатлик бўйича ҳайвонот оламида чинакам чемпион ҳисобланади. Бу жонивор умрини дарахтга осилган ҳолда ўтказди. Ялқовларнинг икки хил, яъни уч ва икки бармоқли турлари мавжуд. Улар бутун Лотин Америкаси бўйлаб кенг тарқалган.

Ташқи кўринишидан ялқов кичкина орангутан(маймун)га ўхшаб кетади. У шу қадар секин ҳаракатланадики, ҳатто жунлари ўсимлик ва жонзотлар учун жонли бурчак вазифасини ҳам ўтайди. Унинг жунлари орасига сув ўтлари, бақатўнлар тез ўрнашиб, тез кўпайишади. Бу эса унга яшил тус бериб туради. Шунингдек, унинг пахмок жунли тана-си тун капалакларини учун ҳам (жонли) ин ўрнида хизмат қилади ва улар бемалол бу ерга тухум қўядилар.

Ялқов кундузи 15 соат давомида ухлайди, кечаси эса тинимсиз озиқланади. Унинг бўйни узун ва эгилувчан бўлиб, у бошини 270 даражага бура олади. Шу боис у чор-атрофга истаганча қайрилиб қарай олади ва озуқасини тез қўлга қиритади. Ялқовнинг озуқасини асосан майда югурдак ҳашаротлар, гуллар ташкил қилади. У жуда секин ҳаракат қилса-да, дарахт шохларига ўткир тирноқлари билан шунчалик маҳкам ёпишиб оладики, уни ажратиб олишга инсоннинг кучи ожизлик қилади. Пастта тушиш учун дарахтдан сирғилишга ҳам эриниб, ўзини ташлаб юборади ва қалин пахмок жунлари эвазига ерга юшюк қоптоқдек тушади. Ялқовлар ерда тик оёқда юришолмайди. Тирноқлари ёрдамида танасини жуда секин судраб юради. У соатига атиги 150 метр судралади.

Камҳаракатлиги боис ялқов ўз чан-



қоғини қондиришга анча қийналади. Бунинг устига у сувни жуда яхши кўради, ҳатто сузишни ҳам билади. Аммо оқар сувларда сузишга ҳаракатлари етарли эмас. У сув ичиш учун қўлмакларга бормайди. Чунки ерда юрганида ялқов бир пасда ийртқичлар ўлжасига айланиши мумкин. Бундан ташқари бу жониворнинг иммунитетини жуда юқори. Айрим ҳайвонларнинг ўлимига сабаб бўладиган яра ва жароҳатлар унинг тана-сида тез тuzалиб кетади. Ҳатто яна захар ҳам деярли таъсир қилмайди.

Маҳаллий аҳоли уни тутиб, гўшти-ни яхши кўриб истеъмол қилади. Ялқовнинг гўшти қўй гўшти таъминини эслатади, тирноқларидан эса тақинчоқлар яшади. Шунга таъкидлаш жоизки, бу ноёб жониворларнинг ҳаёти қонун билан ҳимояланган.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

Яқинда **“Менинг онам ҳаммадан яхши!”** рункига мақола тайёрлаш ниятида бир киши билан сўбатлашиб қолдим. Аввалига кўнгилчан ва дарди борга ўхшаб туолгани учун “келинг, сиз билан радиого оналарнинг чексиз меҳр-муҳаббати ҳақида эшиттириш тайёрлайман”, дедим. Бир оз ўйланиб турган, хоҳ ушнинг, хоҳ

лар. Бу ҳам майли, бир гал кўп нусхада чоп этиладиган хусусий газеталардан бирининг муқовасига катта-катта харфлар билан “Онам — менинг кундошим” деган сарлавҳа босилганига кўзим тушди. Ёқангни ушлайсан киши. Қаёққа қараб кетяпмиз ўзи? Чаласавод бир думбул “ижодкор”нинг тўқима ҳикоясидаги бу

**✓ МЕҲР ҚОЛҮР**

ОНА. Бу оддий сўз эмас. Унда ҳаёт, миллат, тинчлик, келажақ ва ниҳоят... Мангулик акс этган. Бу сўз билан ҳазиллашиб бўлмайди!..

“Мен ҳеч қачон онамни яхши дея олмайман”...

**ОНАНГИЗНИ ЁМОНЛАМАНГ**

ишонманг: “Мен ҳеч қачон онамни яхши дея олмайман”, — деса бўладими! У билан кўришганимга минг пушаймон бўлдим. Шу кунни кечгача унинг ўша кескин ва алам тўла овози қулоғимдан кетмади. “Наҳот, онасидан шу даражада нафратланадиганлар ҳам бўлса?” — деган оғрикли савол мени қаттиқ ўйлантириб қўйди.



Эҳтимол, унинг бундай дейишига маълум бир сабаблар ҳам бордир. Бироқ мен ундан бу ҳақда изоҳ сўраб ўтирмадим. Сабрим чидамади ва: “Балки онангиз сизга нисбатан ўта бешафқат, адолатсиз бўлгандир, аммо фарзанд сифатида ҳар қандай вазиятда ҳам волидангизни қадрлаш сизнинг бурчингиз-ку! Ким бўлсаям у сизнинг онангиз ахир, ёмон деманг!” — дея совуқ хайрлашиб, кетдим...

...Аммо ҳамон ўзимга келолмасдим. Тасаввур қилинг: “Менинг онам ёмон” дейиш учун одам қанча тегиримонга тушиб чиқиси керак? Фақат меҳрсиз, шафқатсиз кишиларгина оналар ҳақида ноҳўя сўзлайди-

сарлавҳадан юрагим бир эзилган бўлса, шу газетани оғринмасдан сотиб олиб, ҳалиги бўлмағур сунъий воқеани берилиб ўқитганларни ўйлаб... минг бор эзилдим.

Даҳшат!.. Балки унинг онаси ўзининг бирор номақбул хатти-ҳаракати билан фарзанди кўнглини синдиргандир ёхуд бошқа бир хатолик ўтгандир. У ёғини худо билади. Лекин ҳар қандай зурриёт ўз оналик мақомига эга бўлган, яъни уни минг азоб-уқубат чекиб дунёга келтирган волидаи муҳтарамасини кечира олмоқ учун ўзида катта куч топа билмоғи шарт. Ахир, боласини дунёга келтириб чоғида жон таслим қилган оналар ҳақида эшитганимиз-ку! Шундай оналар борки, ҳатто ўз жонидан кечи бўлса-да, “ортидан изим қолсин, номим қолсин” деган умидда боласига ўз тана аъзоларини “ҳада” қилади. Онангиз тирик экан, унинг бир донна соч толасида ҳам меҳр товланади, муҳаббат ашайди.

Ишонинг, азизлар, онанинг ёмони бўлмайди. Сиздан ўтинчим, ҳеч қачон “менинг онам ҳаммадан яхши!” дейишдан ор қилманг!

**Кувондик СИДДИК,**  
журналист.

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

**Бахтли бўлинг!**

**БОР УМИДИМ СИЗЛАРДАН**

«Бу хатни не бир истиҳола билан ёзаяпман. Бировларга дардини дастурхон қиладиганларни ёқтирмам. На илоҳ? Ҳеч бир она менинг аҳволимга тушмасин. Умидим, илинжим сизлардан. Шоҳида — кичик қизимиз мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Олий даргоҳни тугатиб, ҳозир лицейда дарс бераёпти. Келган совчиларга турли баҳонолар билан йиғлаб-сиқтаб рад жавобини бераётгани учун охири унга «нима, кулса оғзидан дур, қўзидан нур сочиладиган йигитга тегасанми, ундай йигит курраи заминда йўқ», дедим. Сир бой бермасди. Охири ёрилди.

Ўқиб юрган кезлари бир йигитга «алданиб» қолган экан. Бундай совуқ гапни эшитиб ох, дея ичим, бор дунёим кўйди. Узимни унгломай, ётиб қолдим. Ҳозир бошим қотган. Қизимни чоғга итарган у номардни судга берай деса, эл ичида қандай бош кўтариб юраемиз. Отаси, укалари бу ҳолдан беҳабар. Қизимнинг ёши 26 да. Унинг ва мендай онаизорнинг аҳволини тушунадиган инсон учрармикан?..

**Хонбиби хола,**  
**Хоразм вилояти,»**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қиладиган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

азобни раво кўрмайман», деб акам иккимизга ҳам ота, ҳам она бўлди. Ҳаётда «кимдир қийналса қийналади, кимдир сийланса сийланади», дегани бор гап экан. Акам бевақт оламдан ўтди. Отам бу айрилиқни кўтаролмай ётиб қолиб, узок даволангач, зўрға оёққа турди. Лекин минг афсуски, тўла тўзалмади, кўп ўтмай у киши ҳам бандаликни баҳо келтирди. Ўша йил кузда холаларимнинг кистови билан оиласидан ажрашган Рустам деган йигитга турмушга чиқдим. Ўғилли бўлди. Лекин у оиласидан қонуний ажрашмаган экан. Охири бўлмади, ажрашди. Шунга ҳам мана, тўққиз йил бўлди. 11 ёшли ўғлим билан Ташкент шаҳрида яшайман. Ёшим 51 да. Болаамг оталик, менга эса меҳрибонлик қиладиган инсон бормикан?..»

**Тамара ХУММАМАНОВА**  
тайёрлади.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Арзбике Жанибековага онаси

**Ободон ИСМОИЛ** қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ИНФАРММАДАД»**

**Саломатлик марказига марҳамат!**

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия) фаолият олиб борадилар.

**КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧНИ ТУҲФА ЭТИВ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БУЛАДИ!**

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажақ оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-ўйриқлар олиб туриши мумкин.

Эндиғина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Хурмати эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқishi, пешоб келгандан сўнг ачишиши, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориг бўлишингиз мумкин.

Балогат ёшдаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳумдон кистаси, асабийлашиши, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Ташкент шаҳри, «Гафур Фулом» метро бекати.  
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.  
**Тел:** (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

**«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази**

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нўқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўқиб болалар учун. Салонда
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни муноқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий ракс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар кун!

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.**  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 16:00

**Е-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz**

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Кабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**

**Мухбирлар: 234-25-46**

**Котибият: 233-04-35**

**Реклама бўлими: 233-04-50**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент — 700000  
Амир Темура кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй  
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

**ОБУНА ИНДЕКСИ — 176**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11. 01. 07да рўйхатга олинган. Бюроорта Г — 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади — 9461  
Навбатчи — Дилфуза ҚЎЗИЕВА  
Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ  
Мусахҳихлар — Саиджан САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА

**ISSN 2010-7609**      2 3 4 5